Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Қишлоқ ҳақиқати

1988 йил 30 июнь
ПАЙШАНБА
№ 148 (4.344).

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади ◆ Баҳоси 3 тийин.

КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси тўғрисида
ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1988 йил 28 июнь куни Москвада Кремлнинг Съездлар саройида Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XIX Бутуниттифоқ конференцияси ишчанлик вазиятида, ленинча анъаналар руҳида иш бошлади.

Бундан аввалги конференция 47 йил муқаддам ўтказилган эди. КПСС Марказий Комитетининг қарорига биноан чақирилган XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси партия ва мамлакат учун ҳаётий муҳим аҳамиятга эга бўлган: қайта қуришнинг дастлабки якунлари қандай, унинг йўлида турган ғовларни бартараф этиш учун нималар қилиш керак, революцион янгиланиш жараёни муқаррар бўлиб қолиши учун нималар қилиш керак, деган саволларга жавоб бериш учун қайта қуришнинг бурилиш босқичида бошланди.

Конференциядан олдин КПСС Марказий Комитети Тезислари юзасидан самарали ва рўй-рост мунозаралар бўлиб ўтди. Мунозаралар давомида коммунистлар ва партиясизлар совет жамиятини янада жиплаштириш ва бирлаштиришга, қайта қуришни кучайтиришга қаратилган кўплаб амалий таклиф ҳамда танқидий мулоҳазалар билдирдилар.

Эрталаб соат 10. Делегатлар залда ҳозир бўлган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолари М. С. Горбачев, В. И. Воротников, А. А. Громико, Л. Н. Зайков, Е. К. Лигачев, В. П. Никонов, Н. И. Рижков, Н. Н. Слюньков, М. С. Соломенцев, В. М. Чебриков, Э. А. Шеварднадзе, В. В. Шчербицкий, А. Н. Яковлев ўртоқларни қарсаклар билан табриклаб кутиб олдилар.

КПСС Марказий Комитетининг топшириғига биноан КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев конференцияни очди. У делегациялар вакиллари кенгаши номидан съезддагига нисбатан камроқ составда — 112 кишидан иборат конференция президиумини сайлашни таклиф этди. Таклиф бир овоздан қабул қилинади.

Конференция Эстония Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари — ўртоқ В. И. Вялясга делегат мандати бериш тўғрисидаги таклифни ҳам қабул қилди. У мазкур лавозимга умумпартия конференциясига делегатлар сайлаш тугаганидан сўнг сайланган эди.

Сўнгра конференциянинг бошқа раҳбар органлари — секретариат, редакцион ва мандат комиссиялари якдиллик билан тузилди.

Раислик қилувчи — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари Е. К. Лигачев КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил июнь Пленумида тасдиқланган конференциянинг кун тартибини эълон қилди:

1. КПСС XXVII съезди қарорлари қандай бажарилаётганлиги, ўн иккинчи беш йиллик биринчи ярмининг асосий якунлари ҳамда партия ташкилотларининг қайта қуриш жараёнини чуқурлаштириш соҳасидаги вазифалари тўғрисида.

2. Партия ва жамият турмушини янада демократиялаш тадбирлари ҳақида.

Конференциянинг кун тартиби ва иш тартиби тасдиқланади, кун тартибидаги биринчи масала юзасидан ҳам, иккинчи масала юзасидан ҳам битта доклад қилиш тўғрисидаги таклиф қабул этилади.

КПСС Марказий Комитетининг XIX Бутуниттифоқ партия конференциясига доклади учун КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачевга сўз берилади.

М. С. Горбачевнинг «КПСС XXVII съезди қарорлари қандай бажарилаётгани ва қайта қуришни чуқурлаштириш вазифалари тўғрисида» қилган докладини делегатлар зўр эътибор бериб тингладилар ва доклад қарсаклар билан бир неча марта бўлиниб турди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари А. Н. Яковлев раислигида ўтган кечқурунги мажлисда конференция қатнашчилари докладни муҳокама қилишга киришдилар.

Музокараларда КПСС Кемерево область комитетининг биринчи секретари В. В. Бакатин, Херсон областидаги Киров номли колхоз раиси Д. К. Моторний, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Г. В. Колбин, КПСС Москва шаҳар комитетининг секретари В. К. Белянинов, СССР Фанлар академияси экономика институтининг директори Л. И. Абалкин, СССР соғлиқни сақлаш министри Е. И. Чазов, Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А. М. Масалиев ўртоқлар сўзга чиқдилар.

* * *

КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси 1988 йил 29 июнь куни Москвада, Кремлнинг Съездлар саройида ўз ишини давом эттирди.

Эрталабки мажлисда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари, Москва шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Л. Н. Зайков раислик қилди.

Конференция делегатлари Мандат комиссиясининг раиси докладини тингладилар. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Марказий Комитет секретари Г. П. Разумовский доклад қилди. Мандат комиссиясининг доклади бир овоздан тасдиқланади.

Сўнгра делегатлар М. С. Горбачевнинг «КПСС XXVII съезди қарорлари қандай бажарилаётгани ва қайта қуришни чуқурлаштириш вазифалари тўғрисида»ги докладини муҳокама қилишни давом эттирдилар.

Музокараларда КПСС Волгоград область комитетининг биринчи секретари В. И. Калашников, СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари В. В. Карпов, КПСС Олтой ўлка комитетининг биринчи секретари Ф. В. Попов, Ленинграддаги В. И. Ленин номли оптика-механика бирлашмаси радиоаппаратлар созловчиси В. П. Смирнов, СССР Фанлар академияси Америка Қўшма Штатлари ва Канада институтининг директори Г. А. Арбатов, Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Х. Везиров ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Конференция қатнашчилари қуйидаги резолюциялар лойиҳаларини тайёрлаш комиссияларини сайладилар:

«КПСС XXVII съезди қарорлари қандай бажарилаётгани ва қайта қуришни чуқурлаштириш вазифалари тўғрисида» ҳамда «Совет жамиятини демократиялаш ва сиёсий системани ислоҳ қилиш ҳақида».

«Бюрократизмга қарши кураш тўғрисида».

«Миллатлараро муносабатлар ҳақида».

«Ошкоралик тўғрисида».

«Ҳуқуқий ислоҳот ҳақида».

Танаффусдан сўнг КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари Н. Н. Слюньков раислигида докладни муҳокама қилиш давом эттирилди. Музокараларда: РСФСР Театр арбоблари союзи правлениесининг раиси М. А. Ульянов, Украина Компартияси Марказий Комитетининг секретари Б. В. Качура, Пермь шаҳридаги 130-мактаб ўқитувчиси С. А. Федотова, СССР Фанлар академиясининг президенти Г. И. Марчук сўзга чиқдилар.

Кечки мажлисда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари В. П. Никонов раислик қилди.

Доклад юзасидан музокараларда: Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари С. Г. Арутюнян, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Е. Е. Соколов, РСФСР Ёзувчилар союзи правлениеси раисининг ўринбосари Ю. В. Бондарев, КПСС Краснодар ўлка комитетининг биринчи секретари И. К. Полозков, ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари В. И. Мироненко, СССР 50 йиллиги номли Иваново станоксозлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори В. П. Кабандзе, Латвия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Б. К. Пуго сўзга чиқдилар.

Конференция қатнашчиларининг нутқлари зўр эътибор билан тингланди, залда лўмалар, хитоблар, эътирозлар эшитилиб турди.

Мажлис охирида ўртоқ М. С. Горбачев конференция президиумига тушган бир қатор саволларга жавоб берди.

ҚАЙТА ҚУРИШ МИЛЛИОНЛАРНИНГ АМАЛИЙ ИШИДИР

Конференциянинг биринчи иш кунидаги музокараларда сўзга чиққан КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитети биринчи секретари **Г. В. Колбин** демократиялашни ривожлантиришнинг жўшқин жараёни, КПСС Марказий Комитети Тезисларининг революцион руҳи жамият кучларини ҳаракатга келтирганлигини таъкидлади. Уларнинг зўр таъсирида лоқайдлик, халқнинг сабр-тоқат билан жим туриши ғовлари бузиб ташланди.

Ошкораликнинг муҳим ижобий хусусияти намоён бўлди: у ижтимоий тараққиётдаги бузилишларни ўнглаб олишга қаратилган амалий тус олди. Бу эса республика коммунистларини айниқса қувонтирмоқда, чунки бундан ўн саккиз ой илгари Қозоғистонда вужудга келган вазият жиддий хавфсирашга сабаб бўлди. Қайта қуришнинг белгиланган ўзгартишларига реал хавф вужудга келди. КПСС Марказий Комитетининг Қозоғистон республика партия ташкилотида меҳнаткашларни интернационал ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тўғрисидаги қарори вазиятни соғломлаштиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди, деб таъкидлади нотиқ. Қарорда миллий ўзлигини англаш ҳеч қачон ўз-ўзидан шакланмаслиги тўғрисидаги ленинча қоида таъкидланган. Социал-иқтисодий шарт-шароитлар, жамиятдаги маънавий-психологик муҳит онгнинг ривожланишини белгилаб беради.

Коммунистлар ўтган йил давомида ўткир социал муаммоларни ҳал қилишга ўзига хос ёндашиш йўлларини топдилар. Нотиқ мисол тариқасида одамларни квартира билан таъминлашдаги жиддий бурилиш тўғрисида сўзлаб берди. Социал-маданий-маиший объектларга, озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга эътибор кучайди. Шу билан бирга нотиқ муваффақиятлар тўғрисида гапириб, ишларни бўлишга ўрин йўқлигини, иш бошланди, энди ўзи давом этаверади, деб ҳисоблаб бўлмаслигини таъкидлади. Йўқ, иш ўз-ўзидан бўлавермайди. Аксинча, янада кўпроқ ташкилотчилик ва сиёсий жўшқинлик, сўз ва ишнинг янада мустаҳкам бирлиги талаб қилинади. Илгари пировард якунлар кўзда тутилмас, ишни кўнгилдагидек қилиб кўрсатишга уринилар эди. Бундай ёндашувга ҳозир ҳам барҳам берилгани йўқ. Одамлар эса қуруқ рақамлардан чарчашди, уларга қайта қуриш муваффақиятларини тасдиқлайдиган, кўзга ташланадиган ўзгаришлар зарур.

Нотиқ партия комитетлари хўжалик ва совет органлари ишини бажаришдан воз кечишини ижобий чора деб баҳолаб, бу партия ходимлари ҳаётини мутлақо енгиллаштирмаслигини таъкидлади. Ҳали уларнинг ҳаммаси ҳам демократиялаш ва ошкоралик шароитида ишлаш маҳоратини ўрганганлари йўқ. Миллий ва миллатлараро муносабатларни бошқариш практикасида бундай маҳорат айниқса муҳим.

Партия ташкилотлари кадрларни танлаш ва тарбиялашга алоҳида масъулият билан ёндашишлари лозим. Партия ташкилотига омилкор киши бошчилик қилаётган жойларда иш яхши бормоқда. Бундай одамлар ҳамма нарсани ўзлари бошқармайдилар, улар ишнинг энг муҳим жиҳатларини кўра билиб, ишга бошқаларни жалб эта оладилар. Асосий вазифа ишнинг ҳар бир соҳаси учун билимдон кишиларни танлашдан иборат.

Нотиқ партия обрўйини оширишга жиддий эътибор берди. Фақат конкрет ишлар билан, ҳар бир коммунистнинг куч-ғайрати билангина партия обрўйини ошириш мумкин. Ҳозир партия сафларида ўртоқларча жипслик, ҳалоллик, ҳайрихоҳлик ва маънавий муҳитни қарор топтириш ҳар қачонгидан ҳам зарурдир.

Қайта қуришнинг тақдири учун жуда катта масъулият биз, конференция делегатларини маслакдош ва сафдош қилиб кўйди, деди КПСС Москва шаҳар комитетининг секретари **В. К. Белянинов.** Конференция апрель Пленуми кўрсатмаларига мувофиқ бундан буёнги олға боришимиз йўлини белгилаши, қайта қуриш қаттиқ туради, қайта қуриш галаба қозонади, деган энг муҳим фикрни тасдиқлаши керак.

Докладда баён этилган фикрлар бизнинг социализм имкониятлари тўғрисидаги тасаввуримизни бойитади ва равшанлаштиради, бу фикрлар пойтахт коммунистлари ва партиясизлари кўпчилигининг фикр-ўйлари ва кайфиятларига ҳамоҳангдир. Марказий Комитет Тезисларини муҳокама қилиш давомида шаҳар коммунистлари, меҳнатчилари 130 мингдан кўпроқ таклиф айтдилар ва кўшимчалар киритдилар. Москваликлар партиянинг қайта қуришни янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш, бутун жабҳа бўйлаб иқтисодий ислоҳот ўтказиш, сиёсий системани дадил янгидан қуриш йўлини қўллаб-қувватлайдилар. Аммо улар демократиялаш шиорларини рўкач қилиб, одамларни бунёдкорлик ишидан беҳуда сафсатабозликка, миллатчиликни, бошбошдоқлик ва сиёсий муҳолифликни авж олдиришга интилмоқчи бўлган кимсаларга кескин зарба берадилар.

Фикрларнинг социалистик хилма-хиллиги шароитида партия қайта қуришда авангард бўлиши керак. Партия организмини кемирган ва баъзан ҳатто фаолиятсизликка дучор этган догматизм ва қироатхонликдан қанчалик тез халос бўлсак, Ленин меросининг моҳиятини идрок этишни қанчалик чуқур ўрганиб олсак, партиянинг обрў-эътибори шу қадар юқори бўлади. Ошкоралик ва ростгўйликни халқ ҳақли равишда янгиланишнинг зафарбахш омили, деб ҳисобламоқда.

Ҳар бир партия ташкилоти сиёсий авангард қонунларига биноан иш кўришни ўрганиб олиши лозим. Бу — осон иш эмаслигини пойтахт партия ташкилотининг тажрибаси кўрсатиб турибди. Ҳали биз эскирган усуллардан тўла-тўкис халос бўла олганимиз йўқ. Турмушимизнинг бутун хилма-хиллиги ва зиддиятлилиги Москвада яққол кўриниб турибди. Ўзгаришларнинг омиллари худди шу ердан тарқала бошлаган эди. Қайта қуриш дастлабки кунларданоқ пойтахт ишчилари синфига таянган эди. Аммо ёнма-ён эски муаммолар ҳам қолаверган эди. Шаҳар партия ташкилоти камчиликлардан халос бўлиш учун сабот билан ишламоқда, хотиржамликни, муваффақиятларни кўпиртириб кўрсатишни, муаммолардан юз ўгиришни бартараф этмоқда.

Қўпгина соҳаларда турғунликдан қутулиш осон бўлаётгани йўқ. Маълумки, қайта қуришнинг биринчи босқичида обломовчиликни бирданига, революцион иборалар ёрдамида, кадрларни пала-партиш алмаштириш усулида тугатишга уриниб кўрилган эди. КПСС Марказий Комитети, шаҳар коммунистлари қайта қуришнинг моҳиятига мос келмайдиган бундай уринишларни юзасидан докладда таклиф этилган тадбирларни маъқуллади.

Раислик қилувчи **А. Н. Яковлев** делегат А. К. Чепанининг хатини ўқиб эшиттирди, у нутқларда фақат қайта қуришни амалга ошириб бўлмайди.

Ҳозир шаҳар партия ташкилотида соғлом, ўртоқларча муҳит тобора кўпроқ қарор топмоқда. Коммунистларнинг сиёсий етуклиги, коллективларнинг собитқадам иши экономиканы интенсивлаш йўлидан муттасил олға силжитишни таъминлаш имконини берди. Бироқ ҳали туб бурилиш рўй бергани йўқ. Экономика соҳасига партиявий раҳбарликни такомиллаштириш, эски усуллардан қатъиян воз кечиш лозим.

Социал вазифаларни ҳал этиш суръатлари москваликларни қаноатлантирмаяпти. Қолдиқ принципи бу соҳани қаровсиз ҳолга тушириб қўйди. Москва четдан ишчи кучи чақиришдан воз кечди, Аммо у етишмаяпти, чунки саноатни техника билан қайта қуроллантириш секин бормоқда.

Советларни ислоҳ қилиш ҳам, партия аппаратини қайта тузиш ҳам зарур. Партия органларига аппаратнинг структураси ва ходимлари сонини, уларнинг иш ҳақи миқдорини мустақил белгилаш ҳуқуқи берилиши керак. Нотиқ совет жамиятининг сиёсий системасини такомиллаштириш, демократиялашни ривожлантириш юзасидан докладда таклиф этилган тадбирларни маъқуллади.

Раислик қилувчи **А. Н. Яковлев** делегат А. К. Чепанининг хатини ўқиб эшиттирди, у нутқларда фақат ҳаммасини ўзига сингдириб олган тақдирдагина етакчи ролини ўйнашга ва тараққиётимизнинг келажагини белгилаб беришга қодир бўлади.

Социализм ҳақида гапирганда, деди сўзини давом эттириб нотиқ, уни қандайдир тугалланган бир схема деб билмаслик, балки унинг жуда катта хилма-хиллигини, структуралари қонуниятли тарзда мураккаблашиб боришини тасаввур этиш жуда муҳимдир, бу эса бизни қандайдир схемаларни яратиш ва тайёр жавоб олиш учун ҳамма саволларни унга жамлаш мумкин эмаслигидан барвақт огоҳлантириши лозим.

Академик Л. И. Абалкин мутахассисларнинг мамлакат экономикасидаги ишларнинг аҳволи хусусидаги фикрларига тўхталиб, ижобий силжишлар борлиги шубҳасиз эканини уқтириб ўтди. Бироқ экономикада туб бурилиш рўй бермаганини аниқ равшан таъкидлаш муҳимдир. Ресурсларни тежаш каби муҳим самарадорлик кўрсаткичи юзасидан белгиланган топшириқлар бажарилмаяпти, ижтимоий ишлаб чиқариш структурасида, жамғарма билан истеъмол ўртасидаги пропорцияларда ижобий ўзгаришлар рўй бермаяпти. Фан-техника тараққиёти соҳасидаги аҳвол ташвишга солмоқда. бу соҳада дунёдаги даражадан тобора кўпроқ орқада қолинмоқда ва бу тобора таҳликали тус олмоқда.

(Давоми иккинчи бетда).

В. И. Ленин Мавзолейига гулчамбар қўйилди

28 июнь куни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари В. И. Воротников, А. А. Громико, Л. Н. Зайков, Е. К. Лигачев, В. П. Никонов, Н. И. Рижков, Н. Н. Слюньков, М. С. Соломенцев, В. М. Чебриков, Э. А. Шеварднадзе, В. В. Шчербицкий, А. Н. Яковлев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидатлар П. Н. Демичев, В. И. Долгих, Ю. Д. Маслюков, Г. П. Разумовский, Ю. П. Соловьев, Н. В. Тализин, Д. Т. Язов, КПСС Марказий Комитетининг секретарлари О. Д. Бакланов, А. П. Бирюкова, А. Ф. Добринин, А. И. Лукьянов, В. А. Медведев, КПСС Марказий ревизия комиссиясининг раиси И. В. Капитонов, иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг биринчи секретарлари, КПСС Бутуниттифоқ XIX конференцияси президиумининг бошқа аъзолари, КПСС ўлка ва область комитетларининг биринчи секретарлари, иттифоқдош республикалар Олий Советлари Президиумларининг раислари ва министрлар Советларининг раислари Коммунистик партиянинг асосчиси, жаҳон коммунистик ҳаракатининг йўлбошчиси, дунёда биринчи социалистик давлат бунёдкори В. И. Ленин Мавзолейига бориб, гулчамбар қўйдилар.

Гулчамбардаги қизил лентага «Владимир Ильич Ленинга КПСС Бутуниттифоқ XIX конференцияси делегатларидан» сўзлари ёзилган.

(ТАСС).

СУРАТДА: гулчамбар қўйиш пайти.

ТАСС — ЎзТАГ телефотоси.

АГРОСАНОАТ ХАБАРЛАРИ

ҲАВО ҚЎПРИГИ

Наманган аэропортидан парвоз қилган «Ил-76» юк кемасининг рейси билан Фарғона водийси — Москва ҳаво кўприги очилди. Кема ичида помидор, бошқа хил сабзавот ва мевалар бор.

Самолёт парвоз қилар-қилмас аэропортга Магадандан келган худди шундай самолёт кўнди. Унга Наманган боғлари ва полизларининг янги маҳсулотлари ортилди.

Мавсум охиригача Ўзбекистондан РСФСР шаҳарларига самолётларда 3.000 тонна ҳўл мева, сабзавот ва қовунтарвуз етказиб берилади.

ПАХТА ТОЙЛАРИ ЭКСПОРТГА

Ангор пахта заводидан Болгарияга йилнинг биринчи ярми ҳисобидан сўнгги пахта тойлари жўнатилди. Йил бошидан бери Сурхондарёдан бу мамлакатга 300 тонна қимматли тўқимачилик хом ашёси юборилди.

Сурхондарё область агросаноат комитетининг бошқа пахта заводлари ҳам чет эллик истеъмолчилар олдида шартнома мажбуриятларини муваффақиятли бажармоқда. Уларнинг маҳсулотларини Югославия, Венгрия, ГДР, Куба, Вьетнам, бошқа социалистик ҳамда бир қанча капиталистик мамлакатлар олмоқда.

Ингичка толали пахта тойлари экспорт маҳсулотининг асосий қисмини ташкил этади. Сурхондарё шундай пахта етиштириш ва уни экспорт қилиш бўйича республикада биринчи ўринда туради. Маҳаллий «Термиз—14» нав пахта чет элларда айниқса харидоргир бўлмоқда.

ТАҚИР ЕРЛАР ЎРНИДА

Урганч районидаги Охунбобоев номли колхознинг Раҳимбой Бобожонов бригадаси жарликлар орасидаги қумлоқ ерни пахта ва озуқа экинлари экиладиган далага айлантирди. Ҳозир бригаданинг эски майдонларида ҳам, йигирма гектарлик янги даласида ҳам ғўзалар барк уриб ўсмоқда. Ўн гектар ерда маккажўхори етиштирилмоқда.

Деҳқончиликда интенсивлаш йўлидан бораётган бригада кузда гектар бошига 45 центнердан ҳосил етиштиришни мўлжаллаган.

КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси

КПСС XIX БУТУНИТТИФОҚ КОНФЕРЕНЦИЯСИ МАНДАТ КОМИССИЯСИНИНГ ДОКЛАДИ

Комиссия раиси КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Г. П. РАЗУМОВСКИЙ доклади

Ўртоқлар!

КПССнинг XIX Бутуниттифоқ конференцияси мамлакатимиздаги тарихий бурилиш пайтида, чуқур революцион ўзгартишлар палласида ўтмоқда. У партиямиз учун, жамият тараққиёти учун, социализм тақдири учун туб аҳамиятга молик масалаларни муҳокама қилмоқда.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг КПСС Марказий Комитети номидан қилган докладида партия XXVII съезди қарорларини бажариш, қайта қуриш жараёнини чуқурлаштириш борасида қилинган ишлар якунланди. Бу якунлар партиянинг 1985 йил апрелидан кейин бошлаган ва социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришга, совет жамиятининг сифат жиҳатдан янги ҳолатига эришишга қаратилган йўли изчиллик билан муттасил амалга оширилаётганидан яққол далолат беради. Янгиланиш жараёни ҳаётнинг ҳамма соҳаларига кириб бормоқда. Шу билан бирга қайта қуриш силлиқкина, бемалол рўй бераётгани йўқ, кўпинча у объектив ва субъектив тусдаги қийинчиликларга дуч келмоқда. Бу гап докладда рўй-рост айтилди.

Олдимизда кўндаланг бўлиб турган сиёсий, социал-иқтисодий, мафкуравий муаммоларнинг бутун комплексини сергаклик билан илмий таҳлил этиш, ўтган йилларда орттирилган тажрибани танқидий идрок қилиш, докладнинг амалий йўналиши ва унда таклиф этилган ҳаракат программаси қайта қуришга янги қудратли омил бахш этиш, унга муқаррар тус бериш учун бундан буён ишни қандай олиб бориш хусусида ҳаммани қизиқтираётган масалаларга ижодий асосда коллектив жавоб ишлаб чиқиш имконини беради. Мана шуларнинг ҳаммаси Бутуниттифоқ партия конференцияси партия ички демократияси ленинча анъаналарини қайта тиклаш ва ривожлантириш, социалистик халқ ҳокимиятини қарор топтириш, социализмнинг инсонпарварлик табиатини ва бунёдкорлик қудратини намоён этиш йўлидаги ҳал қилувчи қадам бўлиб қолади, деган ишонч бахш этади.

Конференцияга тайёргарлик чоғида КПСС XXVII съезди ва Марказий Комитет шундан кейинги Пленумлари қарорлари таъсирида партиямиз турмуши ва фаолиятида рўй бераётган демократик жараёнлар ўзининг бевосита ифодасини топди, бу эса конференция делегатларини сайлашга ёндашувларда намоён бўлди.

Марказий Комитетнинг 1987 йил июнь Пленуми КПСС Уставига мувофиқ конференция делегатлари иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг, ўлка ва область партия комитетларининг пленумларида яширин овоз бериш йўли билан сайланади, деб белгилаб берган эди. КПСС Марказий Комитети демократиялаш руҳида иш тутиб, маҳаллий партия органларига партия анжуманига қайта қуришнинг фаол курашчиларини сайлаш, конференция делегатларнинг номзодлари хусусида коммунистлар, барча меҳнаткашлар билан бемалол маслаҳатлашиш ҳақида йўл-йўриқ берди. Кўпгина ҳолларда номзодларни кўрсатиш бошланғич партия ташкилотларидан бошланди ва меҳнат коллективларининг, жамоатчиликнинг фикрини эътиборга олиб ўтказилди. Номзодлар кўрсатиш, одатда, ошкоралик, эркин муҳокама, мусобақалашув вазиятида ўтди. Делегат қилиб сайлаш учун зарур бўлганидан кўра анча кўп номзод кўрсатилди. Делегатларни сайлаган партия комитетларининг пленумларига ҳам рўй-ростлик, умуман демократизм хос бўлди.

Конференцияга делегатлар сайлашга янгича ёндашув партия ва халққа катта таъсир кўрсатди, сиёсий фаолликни янада оширди. Кўрсатилган ҳар бир номзод талабчанлик ва принципиаллик билан муҳокама қилинганлиги коммунистлар ва партиясизларнинг партия ишларидан, конференциянинг муваффақиятидан манфаатдорлиги ошганлигидан дарак беради.

Делегатлар сайлаш партия органлари ва партия кадрлари учун яхши мактаб бўлди, кенгайиб бораётган демократия шароитида ишлай олиш маҳоратининг жиддий кўриги бўлди. Бироқ, одамлар билан ортиқча шошма-шошарликка йўл қўймай батафсил гаплашишга ҳамма жойда ва ҳамма ҳам тайёр эмаслиги сезилиб қолди. Баъзан жамоатчилик фикри билан муносиб даражада ҳисоблашилмади. Масалан, Астрахань, Сахалин, Ярославль область партия ташкилотларида шундай бўлди. Вужудга келган мураккабликлар пировард натижада демократик йўл билан ҳал этилди.

Ўртоқлар! Мандат комиссияси конференцияга шуни маълум қиладики, барча партия ташкилотларида делегатлар сайлаш белгиланган тартибга ва Марказий Комитет кўзда тутган вакиллик нормаларига мувофиқ равишда: 3780 партия аъзосидан бир делегат нормасида ўтказилди. Конференцияга 5 минг делегат сайланди.

Мандат комиссияси барча делегатларнинг ваколатларини текшириб чиқди ва уларни ҳақиқий деб топди.

Россия Федерациясининг ўлка ва областлари партия ташкилотларидан конференцияга 2933 делегат сайланди. Республикалар партия ташкилотлари делегациялари составида: Украинадан 891 киши, Белоруссиядан 191 киши, Ўзбекистондан 178 киши, Қозоғистондан 225 киши, Грузиядан 106 киши, Озарбайжондан 104 киши, Литвадан 56 киши, Молдавиядан 52 киши, Латвиядан 53 киши, Қирғизистондан 40 киши, Тожикистондан 33 киши, Арманистондан 51 киши, Туркманистондан 31 киши, Эстониядан 32 киши бор.

Қуйидаги партия ташкилотлари энг катта делегация юборди: Москва 319, Ленинград области 176, Москва области 155, Донецк области 93, Краснодар ўлкаси 88, Ростов области 88, Свердловск области 75, Днепропетровск области 73, Горький области 71 киши.

Ўртоқлар! Делегатларнинг составини жамиятимизнинг барча қатламларини — ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, совет зиёлилари, хотин-қизлар, ёшлар, партия ва меҳнат ветеранларини ўз ичига олади. Улар ижтимоий ишлаб чиқариш, илм-фан, маданиятнинг турли тармоқларида, соғлиқни сақлашда, халқ маорифи соҳасида, бошқарув органларида ишлаб, ўз меҳнати билан, ўз юксак ижтимоий фаоллиги билан қайта қуришни олға силжитмоқдалар.

Конференцияда ишчилардан энг кўп вакил қатнашмоқда. Делегатлар орасида 1638 киши ёки барча делегатларнинг қарийб учдан бир қисми ишчилардир. Бу кўрсаткич ишчиларнинг партиямиздаги ўрнига, ишчилар синфининг қайта қуришни, мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришнинг амалий вазифаларини бажаришдаги ҳал қилувчи ролига мос келади.

Ишчи делегатлар юксак меҳнат унумдорлиги ва сифати намуналарини кўрсатмоқдалар, хўжалик юритишнинг илғор усулларини жорий этиш, ишлаб чиқаришда социалистик ўз-ўзини бошқариш принципларини қарор топтиришнинг фаол курашчилари бўлиб майдонга чиқмоқдалар. Уларнинг 700 дан кўпроғи меҳнат коллективлари кенгашларининг аъзолари, шу жумладан 149 киши шу кенгашларнинг раислари эканлиги диққатга сазовордир.

Конференцияга қишлоқ хўжалиги ходимларидан 866 киши сайланди. Улар ҳақиқатан ҳам қишлоқларимизнинг энг яхши кишилари, партиянинг хўжалик юритиш янги усулларидан, коллектив, ижара, оила пудратидан фойдаланиш, кооператив бирлашмаларнинг турли шаклларини вужудга келтириш ва ривожлантириш орқали колхоз ва совхозларнинг имкониятларини намоён этиш юзасидан бошлаган йўлини шахсий намуна кўрсатиб, конкрет ишлари билан амалда тасдиқлаётган кишилардир.

Корхоналарнинг мустақиллиги анча кенгаядиган, улар тўла хўжалик ҳисобига ва ўзини-ўзи пул билан таъминлашга ўтказиладиган иқтисодий ислоҳот шароитида меҳнат коллективларига бошчилик қилаётган хўжалик кадрларимизга, уларнинг янгиликни ҳис этишларига, ишчанликлари, ташаббускорликларига жуда кўп нарса боғлиқ бўлади. Ишлаб чиқариш бирлашмалари, комбинатлар, фирмалар, тармоқлараро илмий-техника комплекслари, конструкторлик ташкилотлари ҳамда техника хизматларининг 354 раҳбари, 108 колхоз раиси, 74 совхоз директори конференция делегатлари этиб сайланган.

Илм-фан зиёлилари билан ижодкор зиёлилар ижтимоий ўзгартишларга, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга, социалистик онгни шакллантиришга, воқеликни бадиий ифодалашга, халқнинг маданият ва маълумот савиясини оширишга катта ҳисса қўшмоқдалар. 436 делегат ана шу зиёлиларнинг вакилларидир. Улар орасида илм-фан ва олий ўқув юртларининг 175 ходими, 94 нафар маориф ходими, 41 нафар соғлиқни сақлаш ходими, 69 нафар маданият ва санъат ходимдари бор. СССР Фанлар академияси, тармоқ академиялари ҳамда иттифоқдош республикалар фанлар академияларининг ҳақиқий аъзолари ва мухбир аъзоларидан 112 киши делегатдир.

Демократиялаш жараёнини авж олдиришда, кенг ошкораликни таъминлашда, жамоатчилик фикрини аниқлаш ва шакллантиришда матбуотимизнинг, барча оммавий ахборот воситаларининг роли ниҳоятда каттадир. Одамлар бунга муносиб баҳо бермоқдалар. Матбуот ходимларидан 43 киши конференцияга делегат этиб сайланган.

Қайта қуриш партия кадрларига нисбатан талаблар даражасини, уларнинг партия ишлаб чиққан йўлни ўтказиш учун масъулиятини кескин ошириб юборди. Улар учун ҳозир сиёсий раҳбарлик усулларини эгаллаб олиш, демократия шароитида ҳаракат қила билиш, халқ орасида доимий иш олиб бориш муҳимдир. Партия кадрлари кейинги йилларда анча янгиланиб навқирон кучлар, ташаббускор, серғайрат кишилар билан кўпайди. Конференцияга сайланган кишилар орасида иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг, ўлка, область партия комитетларининг 290 секретари, округ, шаҳар ва район партия комитетларининг 537 секретари бор. Сайлаб қўйиладиган партия активларининг вакиллари кўп — 3153 делегат ёки жами делегатларнинг 63 фойизи турли поғоналардаги сайлаб қўйиладиган партия органларининг аъзоларидир, 762 делегат бошланғич, цех партия ташкилотларининг секретарлари, партия группаси ташкилотчиларидир.

Халқ депутатлари Советларининг амалдаги тўла ҳокимиятини таъминлаш, уларнинг роли ва ваколатларини тўла-тўкис қайта тиклаш — социалистик бунёдкорлик туб вазифаларини ҳал этишнинг қатъий шарти, жамиятни демократиялашнинг бош йўналишидир. Конференция делегатлари орасида 3119 киши СССР Олий Совети, иттифоқдош ва автоном республикалар Олий Советлари, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг депутатларидир. Ўз-ўзини бошқариш асосларини ривожлантириш сиёсий системамизга кирган барча жамоат ташкилотларининг фаоллигини кучайтириш билан боғланган. Совет, касаба союз, комсомол органлари ходимларидан 629 киши конференция делегатлари этиб сайланган.

Конференция ишида Қуролли Кучларимизнинг вакиллари қатнашмоқдалар. Армия коммунистлари мамлакатнинг самарали мудофаа қобилиятини таъминлашга, уни сифат жиҳатидан такомиллаштиришга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Совет хотин-қизлари социалистик жамиятимизни янгилаш соҳасидаги барча ишларда ғоят фаол қатнашмоқдалар. Конференция делегатлари орасида 1258 нафар ёки делегатларнинг 25 процентдан кўпроғи хотин-қизлардан иборат.

Ленинчи партиямиз, коммунистлар ҳамиша мамлакатимиз барча халқлари улуғ социалистик иттифоқининг бирлаштирувчи интернационал кучи, жон-тани бўлиб келдилар. Конференцияда 72 миллат ва элат намояндалари иштирок этмоқдалар.

Конференцияга турли авлодларга мансуб коммунистлар сайланишган. 40 ёшгача бўлган делегатлар 29,1 процентни; 41 ёшдан 50 ёшгача — 36,0 процентни; 51 ёшдан 60 ёшгача — 27,2 процентни; 60 ёшдан катталар — 7,7 процентни ташкил этади.

Делегатлар партия стажига қараб қуйидагича тақсимланишади. 1919 йилдан 1940 йилгача — 47 киши, 1941 йилдан 1945 йилгача, яъни Улуғ Ватан Уруши йилларида партияга кирганлар — 143 киши, 1946 йилдан 1965 йилгача — 1948 киши. Делегатларнинг ярмидан кўпи — 2862 киши 1966—1988 йилларда партия сафига киришган.

Делегатларнинг 97 процентдан кўпроғи олий, тугалланмаган олий ва ўрта маълумотга эга.

Жанговар ва меҳнатдаги хизматлари учун делегатларнинг салкам 86 проценти орден ва медаллар билан мукофотланган, 33 киши Совет Иттифоқи Қаҳрамони, 276 киши Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган. 317 делегат Ленин мукофоти ва Давлат мукофотининг лауреатидир.

Ўртоқлар! Делегатларнинг состави, конференциянинг иши партиямиз ўзининг халқ олдидаги масъулиятини ленинча англаб, ижодий кучғайратга тўлиб-тошганлигидан яққол далолат бериб турибди. Партия Марказий Комитетнинг 1985 йил апрель Пленуми, КПСС XXVII съезди йўлига қатъий амал қилмоқда, социалистик жамиятимизни революцион тарзда янгилашнинг ҳаракатга келтирувчи кучи бўлиб қолмоқда. XIX Бутуниттифоқ партия конференциясини ўтказиш, унда қабул қилинадиган қарорлар шубҳасиз, қайта қуришнинг боришига партиявий таъсирни кучайтиришга, совет халқининг жанговар сиёсий авангарди бўлмиш КПССнинг ролини оширишга кўмаклашади. **(Қарсаклар).**

ҚАЙТА ҚУРИШ МИЛЛИОНЛАРНИНГ АМАЛИЙ ИШИДИР

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Биз вужудга келган аҳволнинг сабабларини излашда ҳали ҳам кўпинча юзаки фикр юритиб, бутун ишни бюрократик аппаратнинг айриқ амалдорларнинг қаршилигидан иборат қилиб кўрсатяпмиз, деб уқтирди нотиқ. Бунинг анча чуқурроқ сабаблари бор. Бу сабабларни излашни шундан бошламоқ керакки, ўн иккинчи беш йиллик планини ишлаб чиқиш чоғида миқдорий ўсиш билан сифат ўзгартишларини айни бир вақтда таъминлаш концепцияси қабул қилинган эди. Илм-фан нуқтаи назаридан бу вазифаларни биргаликда ҳал этиб бўлмайди, беш йилликнинг ўтган ярми ҳам шуни тасдиқлади. Биз экономикани ўстиришнинг ҳажм, миқдор жиҳатига зўр беришни давом эттираверадиган бўлсак, маҳсулот сифатини тубдан яхшилаш, халқ хўжалигини техника билан қайта қуроллантириш муаммосини ҳал қила олмаймиз, экономикани истеъмолчи томонга буриб юбора олмаймиз.

Олим халқ хўжалигининг муҳим масалаларини ҳал этишда иқтисодий усулларнинг устунлиги ҳақида гапириб, кўпдан-кўп ташкилий чора-тадбирлар ва декретлар натижасида эмас, балки иқтисодий, базис муносабатларидаги амалий ўзгаришлар таъсирида кўнгилдагидек ўзгаришлар рўй беришини айтди. Бу гап корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятига ҳам, барча поғоналардаги Советларнинг, жамият турмуши бошқа соҳаларининг ишига ҳам баб-баравар таллуқли бўлиши керак, деб таъкидлади у.

Докладда баён этилган кўпгина таклифларга дарҳол муносабат билдириш қийин, деди академик. Бироқ партия комитетининг биринчи секретари билан Совет Раиси вазифаларини бир шахс сиймосида бирлаштиришга таллуқли бўлган таклифлардан бири жиддий шубҳа туғдиради, деди у. Шундай бўлиб чиқадики, раисни бир неча номзоддан эмас, балки бир номзоддан сайлашга тўғри келади, чунки биринчи секретарь — битта. Бунинг устига бу янгилик партия ва совет органларининг вазифаларини белгилаб қўйиш тўғрисидаги концепцияга мос бўлиб тушмаса керак.

КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР соғлиқни сақлаш министри **Е. И. Чазов** ўз нутқини совет кишиларининг соғлиғини сақлаш муаммоларига бағишлади. У мана шу энг муҳим социал соҳада вужудга келган жуда оғир аҳвол ҳақида гапирди.

Ошкоралик ҳозирги пайтда тўсқинлик сабабларини аниқлаш, шу асосда мамлакатимизда янгиланиш йўлларини ишлаб чиқиш воситасидир, деб таъкидлади делегат. КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Аҳоли соғлиғини сақлашни янада яхшилаш ҳамда соғлиқни сақлашнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш тадбирлари тўғрисида» куни кеча эълон қилинган қарори конкрет реалликнинг намуналаридан биридир, деб таъкидлади у. Бу қарор — соғлиқни сақлашни такомиллаштиришнинг ресурслар билан мустаҳкамланган амалий плани, деб ишонч билан айтиш мумкин.

Тармоқни келгусида қайта қуриш нақадар кенг миқёсли эканини тасаввур қилиш учун келгуси беш йилликда жорий харажатларга ажратиладиган маблағлар икки баравар кўпайишини айтиб ўтиш кифоя. Бу ҳужжат экономиканинг амалдаги имкониятларини эътиборга олиб қабул қилинганини таъкидлаш лозим.

Сўнгра нотиқ аҳолининг сиҳат-саломатлигини сақлаш соҳасида ғамхўрлик қилишдек жуда муҳим вазифани таъминлашда барча поғоналардаги халқ депутатлари Советларининг ролини кучайтиришга эътиборни қаратди. Афсуски, Советлар ва уларнинг ижроия комитетлари ҳамма жойда ва ҳамиша ҳам ўзларининг асосий вазифаларидан бири — соғлиқни сақлаш вазифасини бажармаяптилар. Ҳолбуки, совет кишиларининг сиҳат-саломатлигини сақлаш учун масъулиятни бутун жамият ўз зиммасига олиши керак. Албатта, бу соҳада айб вужудга келган марказлаштирилган тарзда пул билан таъминлаш, планлаштириш, бошқариш системасига ҳам тушади. Бу система социал масалаларни ҳал этишга тўсқинлик қилади, медицина ёрдамининг сифатини яхшилашга ёрдам бермайди.

Нотиқ социал соҳанинг экономикаси муҳимлиги ҳақида гапириб, ўтмишда мамлакатда бошқарув ва контролнинг таъсирчан воситалари мавжуд бўлганлигини айтиб ўтди. Ленининг социал страхование ва касалхона кассалари плани соғлиқни сақлашга сарфланадиган маблағларни белгилашдаги ошкораликни ҳам, бу жараёнда ишчиларнинг иштирокини ҳам таъминлар эди, деб таъкидлади у. Ҳозир соғлиқни сақлаш муаммоларини амалда ҳал қилиш учун халқ соғлиғини сақлашни пул билан таъминлаш ва планлаштиришнинг янги мезонлари ҳамда нормативларига тезда ўтиш зарур. Ялпи миллий маҳсулотнинг соғлиқни сақлашга ишлатиладиган қатъий белгилаб қўйилган проценти, ҳар бир киши бошига барча молиявий кўрсаткичларнинг ҳисобкитоби ва регионларнинг хусусиятларига қараб киритиладиган тузатиш коэффициенти шу мезонларга асос бўлиши керак. Бу тадбир соғлиқни сақлашни пул билан таъминлаш ҳажмини жамиятимиздаги меҳнат натижаларига қатъий равишда боғлиқ қилиб қўяди.

Бироқ деди сўзини давом эттириб министр, совет кишиларининг соғлиғини сақлашда вужудга келган вазиятни моддий ва молиявий масалаларни ҳал этиш билангина тубдан ўзгартириб бўлмайди. Ташкил этиш ва бошқаришнинг янги йўлларини излаш, медицина ходимлари орасидаги қолоқлик, бюрократизм, масъулиятсизлик ва бағритошликка бутунлай барҳам бериш зарур. Афсуски, бу медицинанинг-гина иллати эмас, бутун жамиятимизнинг ҳам иллатидир. Аммо биз даволашни, албатта, медицинадан бошлашимиз керак, бу соҳада раҳмдиллик, масъулият ва ўз касбининг билимдони бўлиш тантана қилиши лозим.

Халқнинг саломатлиги — жамият бойлигидир. Аммо биз бу бойликни бепарволарча совураётган кимсаларга ҳаддан ташқари кўнгилчанлик қилмаяпмизми, деди сўзининг охирида делегат. Корхоналар ва меҳнат коллективлари зиммасига ишловчиларнинг сиҳат-саломатлиги тўғрисида моддий масъулият юклаш тўғрисидаги таклиф конференция арафасида сайловчилардан олинган наказлардан бири бўлди, деди у.

КПСС Марказий Комитетининг докладида ижтимоий-сиёсий системамизни ва давлатимизни янада ривожлантиришнинг энг муҳим муаммолари муфассал баён этиб берилди, деди ўз нутқида КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **А. М. Масалиев.** Агар докладда баён этилган ҳамма таклифлар амалга оширилса, партия ва давлат ҳокимиятининг бир қўлда тўпланишига йўл қўймайдиган чоратадбирлар кўзда тутилса, агар Советларнинг фаолиятига ўзгаришлар киритсак жамиятни демократиялаш вазифасини бемалол амалга ошира оламиз. Бунинг учун ҳозирги мавжуд муҳитни, вазиятни сақлаб қолиш керак, деди нотиқ.

Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари КПССнинг ҳаёт фаолиятини энг кўп даражада демократиялаш, такомиллаштириш тўғрисидаги таклифларга қўшилганини айтди. Айни вақтда у партияни ҳамма кириб-чиқаверадиган: хоҳлаган пайтда аъзо бўладиган, хоҳламаганида чиқиб кетаверадиган бир ташкилотга айлантириб юборишни таклиф қилаётганларнинг фикрини қувватламади. Партия кооператив жамият ёки норасмий бирлашма эмас. Уставда айтилганидек, КПСС ижтимоий-сиёсий ташкилотнинг олий формаси, совет жамияти сиёсий системасининг ўзаги, раҳбар ва етакчи кучидир.

Нотиқ партия вақти-вақти билан ўзини поклаб туриши тўғрисидаги таклифларга қўшилди. Аммо у пенсионер коммунистларнинг партия сафларидан чиқишига йўл қўйиб бўлмайди, деб уқтирди. Бу нарса катта маънавий зиён етказади, авлодларнинг давомийлигини бузади.

Партия комитетлари Пленумларининг қарорлари аниқравшан бўлиши, ишга яхшироқ таъсир қилиши учун шу Пленумларни ўтказиш муддатлари ва усулларини ўзгартириш зарур, деб таъкидлади делегат. У бошланғич партия ташкилотларининг обрўсини ошириш, партия комитетлари секретарларининг иш даврини икки муддат билан чеклаш зарур, деган фикрни айтди. Унинг фикрича, фаолиятимизнинг энг қийин соҳалари — КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси, Иттифоқдош республикаларнинг биринчи раҳбарлари, СССР министрлари ва давлат комитетларининг раислари лавозимларига 65 ёшдан ошган кишилар кўтарилмаслиги ҳам белгилаб қўйилиши лозим.

Нутқда ички партиявий, кадрлар ишини такомиллаштириш, партия ва давлат интизомини мустаҳкамлаш проблемалари тўғрисида фикр-мулоҳазалар айтилди.

Нотиқ матбуот шанига таниқидий фикр айтиб, журналистлар орасида билими етарли бўлмаган, воқеаларни сохталаштириб, фактларни қалбакилаштириб ёзадиган, текширилмаган, нохолисона материалларни эълон қиладиган кишилар учраб туришини уқтириб ўтди.

Биз, Қирғизистон республика партия ташкилоти делегатларга конференция қарорларини коммунист ўртоқларимизга, барча гражданларга етказамиз, бу қарорларни амалга оширишга улар билан биргаликда фаол киришамиз.

* * *

29 июнь куни Кремлдаги Съездлар саройида КПССнинг XIX Бутунниттифоқ конференцияси ўз ишини давом эттирди. Делегатлар М. С. Горбачевнинг КПСС Марказий Комитети номидан қилган докладини амалий ва партиявий принципиаллик билан муҳокама қилдилар.

Эрталаб соат 10. Раислик қилувчи **Л. Н. Зайков** доклад учун XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси мандат комиссиясининг раиси КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари **Г. П. Разумовскийга** сўз беради.

Делегатлар мандат комиссиясининг докладини бир овоздан тасдиқлайдилар.

Минбарга КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, Волгоград область партия комитетининг биринчи секретари **В. И. Калашников** чиқади.

У қайта қуриш чоғида кадрлар сиёсатида, иқтисодий ва социал муаммоларни ҳал этишда, демократия ва ошкораликни ривожлантиришда бурилиш бўлганлигини айтди. Қайта қуришнинг олий мақсади ва белгиловчи омили бўлган инсон манфаатини кўзлаб ҳақиқатан бурилиш бўлаётганлигини одамлар ўз кўзи билан кўриб, ишонч ҳосил қилмоқдалар. Бу меҳнат коллективларидаги кайфиятни яхшилашга, маънанавий-психологик вазиятни соғломлаштиришга ёрдам бермоқда. Айни вақтда янги муаммолар ҳам пайдо бўлди. Кўпгина масалалар ҳали ҳам мўлжалланганидек ҳал этилаётгани йўқ. Нотиқ ишга ҳалал бериш механизми ҳамон ниҳоятда кучли эканлигини таъкидлади. Кўпгина кишилар аҳвол секинлик билан ўзгараётганлигидан, баъзи йўналишларда эса турғунлик сақланиб қолаётганидан ташвишга тушмоқдалар. Партия XXVII съезди белгилаб берган программани амалга оширишдаги ноизчиллик ва зиддият бунинг асосий сабабларидан биридир.

Партия — қайта қуришнинг ташаббускоридир ва у демократия ҳамда раҳбарликнинг сиёсий методларини ривожлантириш намунасини кўрсатиши керак, деб сўзини давом эттирди нотиқ. Партия Марказий Комитети аъзолари зиммасига алоҳида масъулият тушади. Улар кўпроқ нарсалардан хабардор бўлишлари керак. Аслида эса, биз бундан 70 йил илгари нималар содир бўлганлигини эндигина билиб турибмиз. Нотиқнинг фикрича, бугун бўлаётган ишлар ҳақида неваларимиз 2050 йилда билишларига йўл қўйиб бўлмайди. Марказий Комитет аъзолари Марказий Комитет Пленумларида ва Сиёсий бюро мажлисларида кўриб чиқиш учун катта масалалар тайёрланаётганида кенг кўламда иштирок этишлари мақсадга мувофиқ бўлур эди, деди нотиқ.

Нотиқ иқтисодий ислоҳот қандай амалга оширилаётганлигига тўхталиб, давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги Қонун ҳозиргача ҳам амал қилмаётганлигига эътиборни қаратди. Корхоналар тўла мустақилликка эришмаганлигининг боиси шундаки, планлаштириш, таъминот, кредит-молия таъминоти, нарх белгилаш секинлик билан янгиланмоқда. Буларнинг ҳаммаси иқтисодий ислоҳотни жорий этиш йўлида ғов бўлиб турибди. Бунинг устига бир қанча министрликлар бюрократик позицияни эгаллаб келмоқдалар. Министрликларнинг ўз корхоналарига нисбатан мажбуриятлари аниқ-пухта белгилаб қўйилмас экан, уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш фойдага, фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий этишга, маҳсулот сифатини оширишга ва бошқа асосий кўрсаткичларга боғлиқ қилиб қўйилмас экан, — янги хўжалик механизми ишламай тураверади. Министрликлар аппаратини уларнинг вазифасини ўзгартирмасдан туриб шунчаки қисқартириш кўп нарсаларни ўзгартирмайди, ўз ҳукмини ўтказиш, майда-чуйда ишларга аралашавериш, раҳбарликнинг бюрократик методлари сақланиб қолаверади. Нотиқ қишлоқни қайта тиклашга катта эътибор берди. У пенсиясининг энг кам миқдори ишчиларникидан оз бўлган колхозчиларга нисбатан социал адолатсизликни бартараф этишга қаратилган таклиф киритди.

Нотиқ сиёсий система ҳақидаги масалани муҳокама қилиб, бундай деди: биз томондан, бир ижрочи Совет ва хўжалик органларининг ўрнини босмаслигимиз, яъни уларнинг вазифаларини аниқ белгилаб қўйишимиз лозим, иккинчи томондан эса, Советларнинг обрўйини кўтариш учун барча даражаларда партиявий раҳбарликни Советларнинг ваколатли органлари билан қўшиб олиб боришимиз зарур.

Ҳозир, деб сўзини давом эттирди делегат, партия органлари кўп жиҳатдан масъулиятдан қочиб, давлат органлари вазифасини бажармоқдалар. Масалан, КПСС Марказий Комитетининг секретариати давлат ҳокимияти органларининг вазифаси бўлган фахрий унвонлар бериш, орден ва медаллар билан мукофотлаш ва бошқа масалаларни кўриб чиқишга кўп вақт ажратаётганлигини мутлақо тушуниб бўлмайди. КПСС Марказий Комитети соф хўжалик масалаларга оид кенгашлар ўтказиб, қарорлар қабул қилаётганидек нормал аҳволдан ҳам қутулиш зарур. Тезислар, муҳокама қилинаётган даврда ҳам бу ерда омихта ем саноати, химия масалалари хусусида кенгашлар ўтказишди. Бизга меҳнаткашлар: хўш, СССР Министрлар Совети ана шу хўжалик муаммоларини ҳал қила олмайдими, деб савол беришди.

КПСС Марказий Комитети аъзоси, СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари **В. В. Карпов** бадиий сўз усталарининг партия ва халқ олдидаги гражданлик масъулияти тўғрисида гапирди. У сўнгги вақтда нашр этилиб, мамлакатимиз китобхоналарининг-гина эмас, балки чет эллардаги китобхонларнинг ҳам эътиборини қозонган бир қанча асарларни тилга олди, булар орасида В. Распутиннинг «Ёнғин» ва яқинда эълон қилинган бошқа асарлари, А. Рибаковнинг «Арбат болалари», Ч. Айтматовнинг «Кунда», В. Дудинцевнинг «Оқ либос» асарлари, шунингдек В. Астафьев, В. Беловнинг китоблари, Е. Евтушенко, Е. Исаев, А. Вознесенскийнинг шеърлари ва поэмалари, В. Висоцкий ҳамда бошқаларнинг шеърлари ва қўшиқлари бор. Бу асарлар янгиланиш парвози бахш этган илҳом билан ёзилмаган, уларнинг тиғи Сталин даврида халқ ва социализм таҳқир этилишига қарши қаратилган. Бу асарлар эндиликда содир бўлган ўзгаришларни башорат қилди, дейишимиз жоиз бўлади. Улар қайта қуришга хизмат қилмоқда.

Нотиқ ҳозирги адабий жараён тараққиётини таърифлар экан, публицистика айниқса фаол ва самарали ривожланиб бораётганлигини таъкидлади. Миқёси кенгроқ бўлган, идрок этиш ва бадиий ифодалаш учун вақт талаб этадиган проза жанрида эса ҳозирча фикрлар тўпланмоқда, тафаккур жўш урмоқда, тез орада бу, шубҳасиз, романлар ва повестларга айланади. Хуллас, ҳозирча кутиб туриш лозим бўлади: шунда китоблар юзага келиши зарур бўлган адабиёт жабҳасида нишоналар пайдо бўлибгина қолмай, балки бадиий бошқлар ҳам етила бошлади.

Аммо адабиётимизнинг шундай жанри ҳам борки, деб таъкидлади нотиқ, бу «дала»да бошоқлар етилиш у ёқда турсин, балки шовқин-сурон авжига чиқди. Бу танқид соҳасидир. Жиддий, аналитик мақолалар ва рецензиялар билан бир қаторда танқид соҳасида жанжалга ўхшаш қий-чув кўтарилди. Бунда танқидчилар ҳам, бошқа жанрларнинг вакиллари ҳам қатнашмоқдалар. Бу ўринда гуруҳбозлик эҳтиросларини, газак олган дилисиёҳликлар жунбушга келмоқда. Ҳозир хусумат билан ёзилган, асослаб берилмаган, заҳранда ёғилиб турган мақолаларни ўқир эканмиз, бу-лардан худди ўша чақимчилик услуби ва одамнинг обрўсини тўкиш ва уни йўқ қилиб юбориш истаги кўриниб турибди. Бутун куч сиёсий жиҳатдан бадном қилишга, бирон-бир айб қўйишга қаратилган. Бу шунинг учун ҳам содир бўлмоқдаки, баъзилар ошкораликни ўзбошимчалик деб тушунмоқдалар. Танқидчиликда бу рўй-рост бир ёқламаликка олиб келмоқда. Адабий матбуот органлари гуруҳларга бўлиниб кетди ва ўзаро жанг қилмоқда. Бу жуда катта зиён келтирмоқда.

Нотиқ В. И. Ленининг ҳар бир танқидий мақола фактлар текширилиб, камчиликларни бартараф этиш юзасидан тадбирлар кўрилгандагина фойда келтиради, деган сўзларини эслатиб ўтди. Фактлар тасдиқланадими ёки тасдиқланмайдими — ҳар қандай ҳолда танқидга жавоб эълон қилиниши керак. Газеталар ва журналлар зиммасига ана шу ленинча принципга риоя этиш вазифаси юкланиши лозим. Танқид қилинган ҳар бир киши зарурат бўлганида, жавоб бериш, ўз далилларини айтиш имконитига эга бўлиши даркор. Бу соҳада КПСС Марказий Комитети ва иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг пропаганда бўлимлари янада қатъият билан раҳбарлик қилишлари ва талабчан бўлишлари зарур.

Ошкоралик — ютуғимиздир, у қайта қуришнинг ҳаракатга келтирувчи асосий кучдир, деди В. В. Карпов. Ошкоралик барчага таллуқлидир. Уни зинҳор бирон-бир кишининг ихтиёрига бериб қўйиш мумкин эмас.

СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари адабий муаммоларга дахлдор бўлмаган бир қанча танқидий фикр-мулоҳазаларни ҳам айтди. Унинг фикрича, жумладан, ҳозирги замон тарихи масалаларига доир жиддий, илмий асарлар кам. Халққа аччиқ ҳақиқат билан бир қаторда сафарбар этувчи ҳақиқат ҳам зарур, деди у.

XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси ўз ишини давом эттирмоқда.

(ТАСС).

ҚАЙТА ҚУРИШ ДАСТУРИЛАМАЛИ

ЎЗБЕКИСТОН АГРОСАНОАТ КОМПЛЕКСИ МЕҲНАТКАШЛАРИ

БУТУНИТТИФОҚ XIX ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИДА ҚИЛИНГАН

ДОКЛАДНИ АНА ШУНДАЙ БАҲОЛАМОҚДАЛАР

Сайдулла СИНДОРОВ,
Жиззах область Мирзачўл районидаги «Партия XXIV съезди» совхозининг директори

Хўжалигимиз меҳнаткашлари Михаил Сергеевич Горбачевнинг конференциядаги докладини телевизор ва радиодан эшитишлари биланоқ унинг мазмун-моҳиятига катта баҳо бердилар. Кеча эрталаб «Совет Ўзбекистони» газетасини олишим биланоқ ҳамма ишни йиғиштириб қўйганимча уни синчиклаб ўқиб чиқдим. Деҳқончилик ва чорвачилик, қишлоқда турмуш маданияти масалалари, хўжалик ҳисоби, жумладан пудрат муаммолари ўткир қилиб қўйилганлиги эътиборни тортди. «Иқтисодий ислоҳотнинг дастлабки якунларини чиқара туриб, биз ҳозирги беш йилликни қандай бажариш тўғрисидагина ўйлаб қолмаслигимиз керак, — дейилади докладда. — Келгуси ва биринчи навбатда ўн учинчи беш йиллик стратегиясини ишлаб чиқиш учун қайта қуриш дастлабки йилларининг сабоқларидан фойдаланиш принципиал муҳимдир».

Ҳа, истиқболни кўзлаш муқаддас вазифа бўлмоғи керак. Унинг режалари колхозлар, совхозлардан бошлаб тузилиши, яъни пойдевор ердан, фермадан эътиборан ўрнатилмоғи зарур. Буйруқбозлик-маъмуриятчилик иллатларига барҳам берилган, деҳқоннинг ихтиёри ўзига ташлаб қўйилган ҳозирги пайтда бунинг хосияти ўзгача. Қуйидан планлаштириш ҳамиша фойда келтирганки, буни кейинги бир-икки йил тажрибаси кўрсатиб турибди.

Совхозимиз аҳли конференция шарафига астойдил ишлади. Апрелда экилган чигит униб чиққач, қаттиқ дўл ёғди, ёмғир шаррос қуйди. Икки минг гектар майдон шикастланди, унинг 300 гектарини бузишга тўғри келди. Астойдил ҳаракат туфайли кўчатлар қадди ростланди. Ҳозир парвариш оби-тобида олиб борилмоқда. Жами 3.185 гектар ерда 7.575 тонна, яъни гектар бошига қариб 24 центнердан ҳосил етиштирилди. Хидир Ўсаров, Мусулмон Бозоров, Бойсаид Саккулиев бошлиқ бригадаларда қатор ораларига ишлов бериш айниқса намунали уюштирилган. 64 та культиватор тинимсиз ишлатилмоқда. Механизаторлардан Саидазим Митанов, Жумабой Эргашев, Толлибой Одилов ва бошқалар парвариш сифатига алоҳида эътибор беришаяпти. 260 гектар майдондаги «маккажўхори ниҳоллари ҳам барқ уриб ўсмоқда. Ҳар гектардан 50 центнердан қаҳрабо дон олиш ниятидамиз.

Конференцияда қилинган докладни ҳали қайта-қайта ўқиб чиқишимиз, таҳлил этишимиз, унинг кўрсатмаларини бажариш тадбирларини белгилашимиз керак. Хуллас, олдимизда ҳажман беқиёс, мазмунан улкан вазифалар турибдики, совхозимиз коммунистлари, ҳамма меҳнаткашлари уларни бажаришга астойдил бел боғлашди.

* * *

Холматжон ШАРОФИДДИНОВ,
Наманган область Поп районидаги «Навбаҳор» совхозининг бўлим бошқарувчиси

Партиямиз олий анжуманини орзиқиб кутгандик. М. С. Горбачевнинг докладини тинглар эканмиз, КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрелида бошланган қайта қуриш жараёнини янада ривожлантиришга астойдил бел боғлаганлигини, бу йўлда ленинча донолик билан иш кўраётганлигини яққол ҳис этдик. Михаил Сергеевич туб иқтисодий ислоҳот қандай амалга оширилаётгани ҳақидаги масалага алоҳида тўхталиб ўтганлиги айниқса диққатга сазовордир.

Конференцияда, табиийки, озиқ-овқат таъминоти муаммоларига кенг ўрин берилади. Бу масала докладда ҳам бўртиб турибди. Шундай бўлиши табиий: партиямизнинг сиёсати аввало аҳолининг дастурхонини тўкин қилишга қаратилган.

Тома-тома кўл бўлур деганларидек, деҳқон меҳнати, чорвадор заҳмати ҳосилларидан умумхалқ фаровонлиги таъминланади. Шу жиҳатдан бўлимимиз ишчи-хизматчилари ҳиссасини таъкидламоқчиман. Бизда 400 гектар майдонда пахта, 29 гектарда маккажўхори, 35 гектарда шоли, 24 гектарда беда, 20 гектар майдонда қовун-тарвуз етиштирилмоқда. Бундан ташқари мош, бошқа дуккакли экинлар ўстирилаяпти. Қаҳрабо доннинг ўзидан 840 тонналик хирмон уйиш ниятимиз бор.

Шу ўринда меҳнатни уюштириш масалалари алоҳида аҳамият касб этишини айтмоқчиман. Михаил Сергеевичнинг докладида таъкидланганидек: «Ижтимоий мулкнинг афзалликларини инсоннинг шахсий манфаати билан, унинг ишга омилкорона муносабати билан, гражданларга ўзини ўзи қарор топтириши билан бирга қўшиш имконини берадиган пудрат ва ижара асосидаги меҳнат, ички ишлаб чиқариш муносабатлари қайта қурила бошлади».

Чиндан ҳам пудратда ҳикмат кўп. Бизда 57 та оила шу усулда ишламоқда. Ҳар ким ўз пайкали тепасида туриб меҳнат қилаяпти. Совхоз дирекцияси ва партия комитети уларга қулай шароит яратиш чораларини кўришмоқда, лекин бунинг уддасидан ҳамиша ҳам чиқолмаяпмиз. Пудратчилар билан ҳалол-покиза ҳисоб-китоб қиладиган, уларнинг қадрига етадиган бўлсак кўзланган марралар албатта эгалланади.

* * *

Мисқолой МАМАТҚУЛОВА,
Сурхондарё область Термиз пахта тозалаш заводи ишчиси, область Совети депутати

КПСС Бутуниттифоқ XIX конференцияси иши ҳақида ўйлар эканман, унинг ҳи тартибига ягона масала, яъни меҳнаткашлар ва уларни бирлаштирган жамият ҳақида ғамхўрлиги тобора кучайтириш масаласи қўйилган, деган фикрга келаман. Партиямизнинг инсон бахт-саодатини ўйлашдан бошқа манфаати йўқ, деб айтишарди, қайта қуриш жараёнида бу қоиданинг ҳаққонийлигига батамом ишондик.

Ўрта мактабни тугаллашим биланоқ пахта тозалаш заводига ишга кирдим. Чунки онам ҳам шу ерда хизмат қиларди. Пахта тойлари чокини яхшилаб тикишни ўрганиб олдим. Ҳар сменада 16 тадан 22 тагача тойни қўлдан чиқармоқдаман. Касбдошим Обод Насриддиновани мусобақага чақирдим. Мақсад биримиз иккинчимиздан ўзиш эмас, баб-баравар муваффақиятга эришиш, корхонамиз ютуғини таъминлашдир. Астойдил ишлаш туфайли йил бошидан бўён бир неча бор пул мукофоти олганимиз, бизнинг шаънимизга атаб «Молния» чиқарилганлиги руҳимизни айниқса кўтарди. Ҳозирги пайтда заводни янги мавсумга тайёрлашда ремонтчиларга кўмаклашмоқдаман. Халқ депутатлари область Совети депутати сифатида сайловчилар наказини бажаришга астойдил интилмоқдаман.

М. С. Горбачевнинг докладини ўқиб-ўрганиш, муҳокама этиш жараёнида коллективимиз социал-иқтисодий тараққиётига доир фикрларимни албатта изҳор этмоқчиман. Мулоҳазаларим аввало мусобақани кучайтиришга, ишчи-хизматчилар шароитини яхшилашга тааллуқлидир.

* * *

Асқарали УСМОНОВ,
Фарғона область Ўзбекистон районидаги «Пахтақайнар» колхозининг аъзоси

Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси арафасида ғўзаларимиз ёппасига гуллай бошлаганлигини рамзий бир ҳолат деб ҳисоблайман. Жамиятимиз турмушининг ҳамма қирралари ўзгариб, янгиланиб, покланиб бораётган бир пайтда шундай туйғуни ҳис қилишимнинг ўзи катта гап.

Михаил Сергеевичнинг докладини мириқиб тингладик. Деҳқон, унинг меҳнати ҳақидаги фикрлар қалбларимизни яйратиб юборди. Пудратга беқиёс аҳамият берилганлигини айтмайсизми!

Конференция кунларида пахтакорларимиз айниқса зўр ғайрат кўрсатиб ишлашга бел боғлашди. Маҳмуджон Усмонов, Лобархон Юсупова, Аҳмаджон Бўстонов, Собиржон Маҳкамов бошчилигидаги коллективлар ҳар туп ғўзани меҳр ила ардоқламоқдалар. Бунда сувчилар алоҳида ўрнак кўрсатишмоқда. Масалан, Йўлдошали Эгамов ниҳолларни кечаю кундуз саратон сувига қондирмоқда. Механизатор Муҳаммаджон Асрақулов қатор ораларига тўртинчи ишлов беришни бошлаб юборди. Ғўза минерал ва маҳаллий ўғитларга қондирилмоқда.

Азамат пахтакорлар ҳар гектар майдондан мўлжалдаги 32 центнер ўрнига 38 центнердан оқ олтин етиштиришади. Бу эса Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси қарорларига жавобимиз бўлади.

* * *

Хушмурод ШОМУРОДОВ,
Қашқадарё область Косон районидаги «Большевик» совхозининг директори

«Қашқадарё ҳақиқати» газетасининг 29 июнь сони бироз кечикиб чиқди. Уни қўлга олишимиз биланоқ М. С. Горбачевнинг конференцияда қилган докладини синчиклаб ўқишга киришдик. «Ҳозирги босқичдаги аграр сиёсатнинг моҳияти қишлоқнинг ўзидаги ишлаб чиқариш муносабатларини ўзгартиришдан иборат» деган сўзлар остини чизиб, бир зум ўйланиб қолдим. Чиндан ҳам турғунлик йилларида ҳар қандай муносабатларга барбод берилганлигини эсладим-да, у даврлар ўтди, энди қайтиб келмайди, дея таскин топдим.

Ҳозир қишлоқ аҳли эмин-эркин, яйраб-яшнаб меҳнат қилмоқда. Энг муҳими, у ҳам ўз манфаатини, ҳам давлат манфаатини ўйламоқда, бу хусусда астойдил қайғурмоқда.

Ғаллакорларимиз ўтган йил кузида 6.675 гектар майдонга, баҳорда эса 575 гектар ерга арпа ва буғдой уруғи экишганди. Астойдил меҳнат, қулай об-ҳаво шароити туфайли майсалар дуркун ўсди. Мардон Эшимов, Жуманиёз Халилов бошқарувчилик қилаётган бўлимларда парвариш айниқса намунали уюштирилди. Мана энди баракали хирмон кўтарилмоқда. Мавжуд 24 комбайн унумли ишлатилаяпти. Ҳар куни 260—280 гектар майдоннинг ғалласи ўрилмоқда ва янчилмоқда. Салим Нурмонов, Эштемир Мамадиёров, Чори Тоғаев каби механизаторлар илғорликни эгаллашаяпти. Қабул пунктларига плондаги 1.300 тонна ўрнига 2.077 тонна сара дон топширилди. Рустам Бадалов, Турсунпўлат Отамуродов, Шермат Курбонов бошлиқ бригадаларда ҳар гектардан мўлжалдаги 5 центнер ўрнига 8—14 центнердан арпа ва буғдой йиғиштириб олинди. Совхозимиз ғаллакорлари давлатга икки ярим план миқдорида, яъни 3.250 тонна дон сотишади. Бу эса бизнинг Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси шарафига муносиб армуғонидир бўлади.

Ўз навбатида сомонни йиғиштириб олиш, ҳосилдан бўшаган майдонларни шудгорлаш чоралари ҳам кўрилмоқда.

* * *

Норгул БОЗОРОВА,
Қорақалпоғистон АССР Элликқала районидаги «Қирқизобод» колхозининг бригада бошлиғи

Партия конференциясининг очилишини коммунист, район Совети депутати, пахтакор сифатида орзиқиб кутгандим. Михаил Сергеевич Горбачевнинг докладини радио орқали мириқиб тингладим. Кремлнинг Съездлар саройида деҳқон меҳнати, унинг ўй-ташвишлари, турмуш фаровонлиги хусусида жонли мулоқот бошлангандек, у изчил давом этадигандек, ҳаммага мақбул тўхтамга келинадигандек туюлди менга.

Узоқ Қорақалпоғистон пахтаси давлатимизнинг куч-қудратини оширишга хизмат қилаётганлигини мен ҳамиша ёдимда тутаман. Турғунлик йилларида оқ олтин ижодкорлари ташаббускорлиги сўнай-сўнай деганда ҳам биз бундай ҳолат узоқ давом этмаслигига ишонгандик. Ҳайриятки, 1985 йил апрелидан бошлаб эсган шабада ҳаётимизнинг ҳамма қирраларини, жумладан деҳқон қалбини мусаффо этди.

Менинг фикрим қатъий: пахтакорлик шон-шавкатини осмон қадар кўтаришимиз керак. Ахир ота-боболар касбини хўрлаб бўладими? Шу ниятда айни кунларда бир ғайратга ўн ғайрат қўшиб ишлаяпмиз. 80 гектар майдондаги ғўза барқ уриб ўсаяпти. Қатор ораларига уч марта комплекс ишлов берилди. Натижа ёмон эмас: ниҳоллар ёппасига шоналаб, ўтган йилдагидан анча олдин гуллай бошлади. Тажрибали колхозчилардан ўн киши суғоришга ажратилган. Ойна Сарсонбоева, Норгул Болтаева, Сайёра Убукулова, Марям Саидназарова сингари сувчилар миришкорлик маҳоратини кўрсатишмоқда. Ниятимиз ҳар гектар майдондан 26 центнердан аъло сифатли оқ олтин етиштиришдир.

Конференцияда қилинган докладни такрор-такрор ўқишга, унинг мағзини чақишга, ўзимиз учун хулосалар чиқаришга тўғри келади.

* * *

Ирина КИРЕЕВА,
Самарқанд область «Ленинский путь» газетаси редакциясининг бўлим мудири

Конференцияда қилинган доклад қуймаси Тошкентдаги «Матбуот» полиграфия бирлашмасидан келтирилиб, Самарқанддаги М. В. Морозов номли босмахонада босилди. Улкан ротация машинаси атрофини навбатчилик қилаётган журналистлар, матбаачилар ўраб олишди. Бўёғи қуриб улгурмаган дастлабки нусхаларни қўлимда тутиб саҳифаларга кўз югуртирарканман, биз, журналистлар олдида бу тарихий ҳужжатни ўқиш, ўрганиш, тарғиб-ташвиқ қилиш бўйича нақадар улкан вазифалар турганлигини дарҳол идрок этдим.

1985 йил апрелининг шарофатини матбуот ходимлари айниқса яхши биладилар. Бизнинг онгимиз равшанлашди, таъбир жоиз топилса қўл-оёғимиз бўшатилди, эмин-эркин, тўлиб-тошиб, жўшиб-қайнаб, илҳомланиб ёзадиган бўлдик. «Ленин йўли» ва «Ленинский путь» газеталари илгари журъат этиш машаққатдек туюлган мавзуларни излаб топмоқдалар, «теша тегмаган» ғапларни айтмоқдалар, танқиддан асралган «чўққи»ларни нишонга олмоқдалар. Матбуотимизнинг таъсир доираси кенгайиб, тиғи ўткирлашиб, чиқишларимизга олинаётган жавоблар мазмуни салмоқлашиб бораётганини алоҳида таъкидламоқчиман.

Михаил Сергеевичнинг доклади иш столимда ҳам, уйдаги ижодхонамда ҳам турибди. Кўпгина сатрларнинг остига қизил қалам билан чизиб қўйганман. Алоҳида дафтарга шулар асосида ёзиладиган мақолалар мавзуси битилмоқда. Нафақат мен, ҳамкасбларимнинг ҳар бири шундай йўл тутаётганига ишонаман. Чунки конференцияда қилинган доклад, унда қабул этиладиган қарорлар, анжуманнинг жамики ҳужжатлари ҳамма учун, менинг фикримча, аввало журналист, ижодкор, тарғиботчи, ташвиқотчи учун амалий ишларнинг мукаммал дастуридир.

* * *

Отаназар ПИРНАЗАРОВ,
Хоразм область Хива районидаги Огаҳий номли колхоз правлениесининг раиси

Партиямиз ҳар бир совет оиласини алоҳида уй-жой билан таъминлаш сиёсатини ўртага дадил ва қатъий қилиб қўйди. Буни биз ўзбек қишлоғи ҳақида кўрсатилаётган алоҳида ғамхўрлик рамзи деб биламиз. Қаранг, конференциядаги докладда яна таъкидланди: Қишлоқ меҳнаткашлари яқин йиллардаёқ ҳамма жойда турмуш ва меҳнат шароитлари амалда ўзгаришини сезиб оладиган бўлишлари керак».

Биз ҳар йили қурилиш ва ободонлаштиришга катта маблағ ажратмоқдамиз. Ўтган икки йилда 581 минг сўмлик иш бажарилди, стадион, маиший хизмат кўрсатиш уйи, врачлик амбулаторияси, болалар боғчаси учун қўшимча хоналар, иккита дала шийпони қурилди, икки километрлик йўл асфальтланди. Шахсий уй-жой қуриш истагини билдирувчилар сони ошмоқда. Икки йилда 180 кишининг аризаси қондирилди. Уй-жой қурувчиларни транспорт воситалари, бинокорлик материаллари билан таъминлаш яхшиланди. Қишлоқдаги ғишт заводида йилига 3 миллион дона пишиқ ғишт тайёрланмоқда. Чита области хўжаликларидан ёғоч-тахта келтирилаяпти.

Айни пайтда учта замонавий посёлка қишлоқлар ҳуснига ҳусн қўшиб турибди, тўртинчиси эса қад ростламоқда. Колхоз қурилиш бригадаси бошлиғи Иброҳим Нурметов алоҳида ташаббускорлик кўрсатаётир. Бу коллектив қураётган уй-жойлар кооперативникига нисбатан анча арзон тушмоқда.

Биз 1990 йилгача ҳар бири 250 ўринли ёзги ва қишки кинотеатр, 620 ўринли мактаб, 140 болага мўлжалланган боғча биноларини фойдаланишга топширмоқчимиз. Ишимизда етишмовчиликлар, чалкашликлар, тўсиқлар оз эмас. Қайта қуриш жараёнида буларни енгишнинг йўли топилишига астойдил ишонаман. Конференция ҳужжатларини ўрганар эканмиз, асосий эътиборни икки нарсага, яъни ишлаб чиқаришни юксалтириш, турмуш маданиятини, аввало қурилиш ва ободончиликни ривожлантиришга қаратамиз.

— Москвада биринчи бор бўлишим, — дейди **Ромитан районидаги Алишер Навоий номли 11-мактаб директорининг ўқув-тарбия ишлари бўйича ўринбосари, бошланғич партия ташкилоти секретари Саломатхон Ғафурова.** — Илгарилари Қизил майдонни, Кремлни, Съездлар саройини телевизорда кўрганман. Вақтсоати келиб пойтахтда бўлишни, шуларнинг ҳаммасини ўз кўзим билан кўришни, оламшумул воқеада иштирок этишни тасаввур ҳам қилмаганман. Ҳаяжонланаётганим боиси шундан, Муҳташам саройда ўтирибман-у, бахтдан энтикаман. Икки кўзим саҳнада. Партиямиз Марказий Комитети Бош секретари Михаил Сергеевич Горбачевнинг докладини астойдил берилиб тингладим. Ўртага қўйилган масалалар қамрови кенг, таҳлил чуқур, фикрлар тиниқ, олдимизда турган режаю вазифалар аниқ. Назаримда, бунда замонамиз руҳи, дарди тўла мужассам. Айниқса қайта қуриш жараёнининг бориши, бу йўлдаги ютуқ ва тўсиқлар ҳақида кўп баҳсли гапларни айтди Михаил Сергеевич. Айни шу масалада фикр юритаётиб, у: «Сен қайта қуриш учун нималар қилдинг?» деган саволни ҳар бир кишига берадиган пайт келди деб залга муроажат этганида бу гўё менга қаратилгандек ҳис қилдим ўзимни. Ҳа, ҳар ким шу саволга жавоб бериши лозим бугун.

Халқ ишончи — улуғ ва муқаддас. Мен партия конференциясида делегат сифатида қатнашишдек катта бахтга мушарраф бўлган эканман, қайта қуришда фаол иштирок этишни, шахсий ибрат билан бошқаларни олға ундашни бундан буён ўз бурчим деб биламан.

Биз билан ёнма-ён келаётган яна бир делегат — **Раим Зубайдуллаев Жиззахдан, Ғаллаорол районидаги Карл Маркс номли совхозда бош чўпон.** У ҳам Москвага илк маротаба келган экан. Қирқ саккиз баҳорни қаршилаган Раим йигирма саккиз йилдан буён қирадирларда сурув ҳайдайди. Не бахтки, оддий чўпон бугун Ватанимиз пойтахтида, Кремлнинг Съездлар саройида совет жамияти тараққиётининг истиқбол йўлини белгилаб бераётган олий анжуман иштирокчиси.

— Михаил Сергеевич Озиқ-овқат программаси ижросининг бориши хусусида аччиқ ҳақиқатни рўй-рост айтди, — дейди чўпон. — Чиндан ҳам шундай бўлди: аввалига ҳамма жойда бу ишга астойдил киришилди. Бора-бора программа талаблари бажарилиши сусайиб кетди. Бунинг асосий бўғинларидан бири бўлган чорвачиликни олайлик. Бу соҳага ҳамон яхши эътибор берилмаяпти. Тўғрироғи, гап кўпу иш оз. Чорвадор кадрлар тайёрлаш ҳақида энг мўътабар йиғинларда гапирилаяпти, амалий таклифлар киритилаяпти, аммо натижаси қани? Чўпон таёғини қўлга оладиган азамат ўринбосарлар йўқ ҳисоби.

Раим Зубайдуллаев отари, умуман совхозда чорва маҳсулотлари етиштиришнинг бориши билан қизиқдик. У тўлқинланиб гапира кетди. Айтишича, 623 бош совлиқнинг ҳар юзидан 93 ўрнига 105 тадан қўзи олибди.

— СЖКДан қутилганимиз зап иш бўлди-да, — дейди чўпон ич-ичидан севиниб. — Тери сифати яхшиланди: бу йил ҳамма қоракўлни биринчи сортга тошширдик. Ўн иккинчи беш йиллик бошидан буён биронта ҳам чиқимга йўл қўймадик, яъни қўзилар ўртасида ўлим бўлмади.

Совхоз кўрсаткичлари ҳам чакки эмас экан. Хўжалик ярим йиллик гўшт, сут, тухум топшириш планларини муваффақиятли уддалабди. 31 тонна ўрнига 38 тонна жун қириқиб олинган. Қоракўл тери топшириш йиллик плани ошириб адо этилган.

— Конференциядан қайтиб бораман-у, бутун совхозимиз меҳнат аҳлини бир ерга тўплаб Москвада бўлган гапларни батафсил ҳикоя қилиб бераман. Ўртага шундоқ катта вазифалар қўйилаётган экан, чорва маҳсулотлари етиштиришни тинмай кўпайтириб боришимиз шарт. Михаил Сергеевич таъкидлаб ўтганидек, Молдавия, Закавказье республикалари қатори Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида ҳам турғунлик ҳолатлари ҳамон сақланиб турибди. Бундай аҳволдан тезроқ қутулишнинг бирдан-бир йўли астойдил меҳнат қилиш, барча ички имкониятларни ишга солишдан иборат. Резервлар эса ҳамма жойда бор.

Гурунгимизга **қорақалпоғистонлик шоликор Омонгелди ҳам қўшилди. ОРАЗБОЕВ—қиличдек йиғит. Қўнғирот районидаги Чапаев номли совхозда бригада бошлиғи, район партия комитети аъзоси.** Қирқ ёш атрофида. Қадамидан ўт чақнайди, билагидан куч ёғилади. Суҳбати жонон. Деҳқончилик, айниқса шоликорлик ҳақида гап очилгудек бўлса юзи гоҳ ёришиб, гоҳ тундлашиб, юраги қатларида армони, афсуснадомати бор кишидек» сўзлайди. Ун бир йилдан буён шу совхозда бригада бошлиғи.

СУРАТДА: конференция делегатлари, Афғонистон республикасида интернационал бурчини бажараётган Совет Армияси сержанти С. Шчеглов ва Сурхондарё область партия комитетининг иккинчи секретари Г. Стещенко.
В. БУДАН фотоси.
(ТАСС фотохроникаси).

МОСКВАДАН ХАБАР

ФИКР ТИНИҚ, РЕЖА АНИҚ

1988 йил 29 июнь, оқшом. Ўзбекистонлик делегатлар Кремлнинг Съездлар саройидан истиқомат жойи — «Россия» меҳмонхонасига қайтишарди. Чеҳралар гулгунлиги, руҳият тетиклиги, одимлар дадиллигидан Бутуниттифоқ XIX партия конференциясининг биринчи иш куни якунларидан ҳамма мамнун эканлигини пайқаб олиш қийин эмасди. Йўл-йўлакай делегатлар ўз таассуротларини ўртоқлашиб борардилар.

Ҳар йили планни ўринлатади. Бултурги меҳнат натижалари ҳам чакки бўлмади. 250 гектар майдонда деҳқончилик қилиб, гектаридан пландаги 46,7 центнер ўрнига 53,5 центнердан қирмизи дон топширди.

— Партия конференцияси ўтадиган йилда, — деди у, — 208 гектарда шоли, 90 гектарда беда етиштирмоқдамиз. Жумладан, 4 гектар майдонда «Толмас» янги навини синаб кўраяпмиз. 204 гектарга эса «Нукус-2» экилган. Кеча бригадамиз йигитлари телефон қилиб қолишди. «Ўртоқ делегат, йил бошида олинган мажбуриятимизга тузатиш киритсак, яна 3 центнердан қўшсак, нима дейсиз?» — деб қолишди. Уларга ишонаман. Сўзи билан иши бир йигитлар. Ҳуда-беҳудага ваъда беришмайди.

— Докладнинг қайси ери сизга кўпроқ маъқул бўлди? — сўрайдиз ундан.

— Бошдан-оёқ мароқ билан тингладим. Чуқур қониқиш ҳосил қилдим. Унда ҳаётимизнинг ҳамма соҳалари атрофлича қамраб олинган. Масалан, айтайлик, экология муаммолари хусусидаги гаплар, ўртага қўйилган вазифаларга бирон-бир одам лоқайд қарай оладими?! Кейинги ўн-ўн беш йил мобайнида Амударё этакларида озмунча шоликорлик совхозлари ташкил этилдими? Аммо бу ишда шошқалоқликка йўл қўйилди, истиқбол аниқ-пухта ҳисобга олинмади. Сув камайиб бораяпти. Орол фожиаси ана шу регионда яшаб турган бутун аҳолининг қисмати дейиш мумкин. Ерларни шўр босяпти. Деҳқончилик, умуман, хўжалик юритиш қийинлашаяпти. Шолипояларда сувни тез-тез янгилаб туришга имкон йўқ. Уни узоқроқ муддат сақлаб қолишга мажбур бўлаяпмиз. Орол атрофи экологиясида мувозанатни бузмаслик ҳақида илгаригоқ бош котирилганида ҳозир бу кўргуликлар бўлмасмиди...

Мен Михаил Сергеевич докладида жамиятимизнинг ҳозирги аҳволини чуқур таҳлил этиб берилган, аччиқ, аммо бирдан-бир тўғри хулосалар чиқарилган, реал вазифалар қўйилган, деб ҳисоблайман.

...Мана, манзилга ҳам яқинлашиб қолдик. Гурунгимизга нуқта қўйишга тўғри келди: делегатларни ортиқча безовта қилишга иймандик. Улар яхши дам олишлари керак. Эртага конференциянинг навбатдаги куни. Ғоят қизиқ, масъулиятли ишлар кутаяпти, баҳс-мунозара давом этади.

Т. МИРҲОДИЕВ,
«Қишлоқ ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ҲАЯЛЛАГАН ПАНД ЕЙДИ

Республикада ғалла ўрим-йиғими суст бормоқда

29 июнга бўлган оператив МАЪЛУМОТ

Областлар	Ўрилган майдон (процент)	Гектар бошига ҳосилдорлик (центнер)
Фарғона	93,8	29,7
Андижон	92,0	34,1
Бухоро	87,5	23,5
Наманган	82,9	30,4
Сирдарё	67,7	20,3
Қашқадарё	66,9	11,1
Сурхондарё	61,9	17,2
Навоий	59,9	8,6
Тошкент	53,9	16,6
Самарқанд	50,7	13,7
Жиззах	44,0	14,9
Республика бўйича:	59,2	14,8

Бу йил ғаллазорларда мўл ҳосил етиштирилди. Шу кунларда бугдойзору арпазорларда манзара ўзгача. Ғаллакорлар саратон тафтидан ранг олган ҳосилни нобудгарчиликсиз саранжомлаш пайида бўлмоқдалар. Республикамиз комбайнчилари олдига катта вазифа қўйилган: мавжуд 5.192 та ўрим агрегати билан 708 минг гектардан знёд майдондаги ғалланы қисқа муддатларда ўриб-янчиб олиш керак.

Мавсум бошланганига ҳали унча кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин интенсив технологияларни жорий этган, ишни намунали йўлга қўйган областлар, районлар ва хўжаликларда ўрим-йиғим тугалланай деб қолди. Бу борада Фарғона водийси областлари ва бухороликлар илғорликни эгалламоқдалар. Фарғоналиклар ўрим мусобақасида пешқадам. Улар жами 12,8 минг гектардан 12 минг гектарнинг ҳосилини саранжомлашди. Ҳар гектар ердан ўртача 29,7 центнердан дон олинмоқда. Андижонлик, бухороли ва наманганлик ғаллакорлар ҳам мавсумни уюшқоқлик билан ўтказмоқдалар.

Умуман бу йил республикамизда ўрим суръатлари бултургидан бироз илдам. Кунлик унум ҳам ўтган йилги кўрсаткичга яқин. Лекин мавжуд комбайнлардан фойдаланиш қониқарли эмас. Ҳар куни 2.000—2.100 та ўрим техникаси далага чиқарилмай, қанатриб қўйилаётганлигини сира оқлаб бўлмайди. Маълумотнинг энг сўнггида бораётган Жиззах областидаги аҳвол айниқса ёмон. Бу ерда 28 июнь куни 755 комбайндан 566 таси ишлатилди, холос. Областдаги ҳамма районларда комбайнлардан етарли фойдаланилмаяпти. Бахмал район ғаллакорлари бу йил 17.762 гектар майдондаги ҳосилни ўриб-йиғиб олишлари керак. Лекин ҳозирги аҳвол мутлақо кўнгилдагидек эмас: эндигина 4.436 гектар майдондаги ғалла саранжомландики, бу йиллик планнинг 24,9 процентига тенг. Устига-устак, комбайнлар тўлиқ ишга олиб чиқилмаяпти. Ҳар куни 20 тадан знёд ўрим техникаси бекор турмоқда.

Ғаллаорол, Жиззах, Фориш районларидаги аҳвол ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Жиззах районидаги 5.263 гектар майдон ҳосилдан тозаланди. Яна 9 минг гектарнинг ғалласини янчиб олиш лозим. Бу ерда ҳар куни 20—25 та комбайн далага чиқарилмаяпти. Ишлатилаётганларнинг эса кунлик унуми бор-йўғи 3,8 гектарни ташкил этмоқда. Райондаги аҳвол билан яқинроқ таниишилганда қолоқликнинг сабаблари дарҳол аён бўлади. Бу ерда мавсум иштирокчиларига етарли шароит яратиб берилмаган, белгиланган тадбирларнинг бажарилишига эришилмаётир. Комбайнлар яхши созланмаган. Шунинг учун айрим хўжаликларда гектар ҳисобига 2 центнердан кўп ҳосил исроф бўлаяпти. Бундай аҳволни «Коммунизм», Энгельс номли, Дзержинский номли совхозларда яққол кўриш мумкин.

Бошқа областларда ҳам комбайнлардан фойдаланишда камчиликларга йўл қўйилмоқда. Яхши созланмаганлиги, эҳтиёт қисмлар етишмаслиги ва бошқа турли сабабларга кўра кўпгина механизмлар қанатриқлиқ қолаяпти. Масалан, 28 июнда Сурхондарё областида 393 та, Қашқадарёда 274 та, Бухорода 129 та, Навоийда 96 та комбайн умуман ишлатилмади. Фақат Навоий областидагина кунлик иш унуми талабга жавоб беради. Бу ерда далага чиқарилган ҳар комбайн билан кунига 8 гектар майдоннинг ҳосили ўриб-янчиляяпти. Тошкент ва Самарқанд областларида бу кўрсаткич 7 гектардан знёд бўлмоқда. Аммо қолган областларда қониқарли эмас. Айниқса сурхондарёлик, сирдарёлик, жиззахлик механизаторлар ғайратни оширишлари, суръатга суръат қўшишлари лозим.

Ҳозиргача республика бўйича 619 минг тонна дон янчиб олинди. Лекин уни давлатга топшириш ишининг бориши ҳамма жойда ҳам бир хил деб бўлмайди. Наманганликлар бу борадаги планни анча ошириб бажардилар. Омборларга 9 минг ўрнига 11.222 тонна дон етказиб берилди. Фарғоналик ғаллакорлар ҳам топшириқни уддалаш арафасида турибдилар. Бироқ қолган областларда бу иш секинлик билан олиб борилмоқда. Айниқса Жиззах областида сусткашликкa йўл қўйилаяпти: ғаллакорлар давлатга 66.800 тонна дон топширишлари мўлжалланган. Эндигина 959 тонна бажаришганки, бу планнинг 1,4 процентига тенг. Давлатга дон топшириш Самарқанд, Тошкент, Навоий областларида ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Ўрим-йиғим ҳамма жойда ҳал қилувчи босқичга кирди. Айни шу кунларда ишни пайсалга солган, мавсумни тўғри ташкил этмаганлар панд ейишлари турган гап. Шунинг учун РАПОларнинг, хўжаликларнинг раҳбар ҳамда мутахассислари ҳар кун, ҳар соатнинг қадрига етишлари, бутун куч ва имкониятни ҳосилнинг қолган қисмини тезроқ саранжомлаб олишга сафарбар қилишлари зарур. Ғаллазорларда катта меҳнат эвазига етиштирилган ҳосилнинг ҳаммасини нобудгарчиликсиз саранжомлаб олиш муқаддас вазифа ҳисобланади. Чунки дон нон демакдир. Нонимиз бутун бўлиши учун ғалланы тезроқ ўриб-йиғиб олишдан ҳеч нарсани аямаслигимиз лозим.

Фарғона область Риштон районидаги Навоий номли совхознинг СССР Олий Совети депутати Каромат Бойболаева бошлиқ бригадасида 27 гектар майдонда бедадан мўл ҳосил етиштирилди. Айни кунларда иккинчи ўрим жадал бормоқда.

СУРАТЛАРДА: 1. Пешқадам механизатор Абдулатиф Розиқов. 2. Ўрим пайти.
У. ҚУШВОҚОВ фотолари.

САМАРҚАНДНИНГ БИР КУНИ

КИЧКИНТОЙЛАР ЭЪЗОЗДА

Пайариқ районида фаолият кўрсатаётган мактабгача тарбия муассасаларн хусусида сўз кетганда Крупская номли колхознинг «Навбаҳор» болалар боғчаси биринчи бўлиб тилга олинади. Бу бежиз эмас. Олий маълумотли коммунист Турдигул Аҳмедова мудирлик қилаётган тарбия масканига киришингиз билан гуллар оғушида қоласиз. Атроф ораста. Тўрт группада тарбияланаётганлар учун барча қулайлик мавжуд. Зебо Мирзақулова, Новватой Жуманова, Комила Эсиргапова, Гулнора Нуралиева сингари мураббиялар кичкинтойларга парвона. Улар нутқ маданиятини ўстириш, қўшиқ ўргатиш, ёзиш, расм чизиш, пластилиндан турли ўйинчоқлар ясаш бўйича машғулотларни қизиқарли ўтказяптилар.

Болалар кунига уч маҳал овқатланишади. Бунда бош пазанда Т. Бердиёрованинг хизмати катта. Жажжилар лаззатли таомларни иштаҳа билан тамадди қиляптилар.

Ҳа, «Навбаҳор» жажжиларн меҳрибонлар оғушида камол топаяптилар.

С. ХОЛИҚОВ.

МОҲИР ОШПАЗ

«Қайси касбга меҳр қўйиб, уни эъзозласанг, кам бўлмайсан». Устозининг бу сўзи Сафар Қаршиев қалбидан чуқур жой олган. Паст Дарғом район умумий овқатланиш корхонасининг 22-ошхонасида ишлаётган моҳир пазанда йигирма йилдан бери нозик табиатли хўрандалар эътиборини қозониб келаётир. У тайёрлаётган шўрва, манти, сомса, лағмон, чучвара, кабоб, палов ва бошқа таомлар сифатли.

Қишлоқ аҳолисига сидқидилдан хизмат кўрсатаётган Сафар Қаршиев кўплаб шогирдлар етиштирди. Унинг хушмуомалалиги, ошхонанинг доимо саранжом-саришталиги хўрандалар кайфиятини кўтарояпти. Шу боис мижозлар сони кўпайиб, ойлик план доимо ортиғи билан бажарилаяпти.

Я. ҲАЙИТОВ.

ЯНГИ ДОРИХОНА

Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Коммунизм» колхозининг (Пахтачи районн) Ҳумор посёлкасида ҳар йили кўплаб турар жой ва маданий-маиший бинолар қад ростлояпти. Яқинда меҳнаткашлар яна бир қулайликка эга бўлдилар. Бу ерда янги дорихона фойдаланишга топширилди.

Лойиҳа-смета қиймати 92 минг сўмлик бу бинони «Узагропромстрой» трестига қарашли колхозлараро механизациялашган 174-кўчма колонна бунёдкорлари қуриб битказдилар. Бунда айниқса, малакали прораб Шойим Утаев, Қурбон Йўлдошев, Бинокул Тожиев, Низомиддин Оллоёров сингари қурувчилар жонбозлик кўрсатдилар.

М. ШУКУРОВ.

КОЛЛЕКТИВ ФАХРИ

«Каттакурганводстрой» трестига қарашли Пахтачи районидаги механизациялашган 5-кўчма колоннада экскаваторчи Эсон Мирзаевни ҳамма ҳурмат қилади. Моҳир техника ихлосманди «Коммунистик меҳнат зарбдори»дир.

Ғайратли экскаваторчи ойлик ва квартал планини мунтазам ошиғи билан уддалайди. Ўтган йили эса марраданн анча ўзиб кетди. 75 минг 500 кубометр ҳажмдаги тупроқ ишларини бажарди.

Жорий йилда ўзига биркитилган «Э-652» маркали экскаваторни унумли ишлатиб, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга муносиб ҳисса қўшмоқда. Яқинда у ўн ойлик шахсий планини бажарди.

Б. ШАМСИЕВ.

Жиззахдаги «ВЛКСМ 60 йиллиги» тикувчилик фабрикасининг комсомол-ёшлар бригадаси бошлиғи Матлуба Рихсиева Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси шарафига берган ваъдасини бажарди: у коммунистлар анжуманини тўққиз ойлик шахсий планини адо этиш билан кутиб олди. Бригада эса ярим йиллик топшириқни 155 процент уддалади.

СУРАТДА: комсомол-ёшлар саркори М. Рихсиева.

Спорт хабарлари

ФУТБОЛ

Тошкентнинг «Пахтакор» командаси саккиз турдан бери ютқазмаётган эди. Мамлакат чемпионатининг навбатдаги учрашувларида бу анъана бузилди: ҳамюртларимиз Душанбеда биринчи лига карвонбошиси — «Помир» коллективига ютқазиб қўйдилар. Тўғри, ҳисобни улар биринчи бўлиб очишга муваффақ бўлишди. Ҳужумчиларга ёрдамга етиб келган ҳимоячимиз Юрий Ковшов узоқ масофадан туриб мўлжални аниқ олди. Аммо шундан кейин майдон эгалари ташаббусни тўла қўлга олдилар ва дарвозани қаторасига уч бор ишғол этдилар. Натижада «Пахтакор» 1:3 ҳисобида мағлубиятга учради.

Энг йирик ҳисоб Волгоградда қайд этилди. Маҳаллий «Ротор» командаси футболчилари «Ростсельмаш» коллективи устидан 5:2 ҳисобида ғалаба қозондилар.

Бошқа учрашувлар натижасини яна бир бор эслатиб ўтамиз: «Даугава» — «Гурия» — 2:2, СКА «Карпати» — «Динамо» (Ботуми) —0:0, СКА (Ростов) — «Заря» — 2:1, «Звезда» — «Таврия» — 1:1, «Геолог» — «Шинник» — 0:1. ЦСКА —«Спартак» (Оржоникидзе) — 3:2, «Кузбасс»— «Динамо» (Ставрополь) — 0:0, «Котайк» — «Металлург»— 2:0, «Кубань» — «Колос» — 1:2.

27 очко тўплаган «Помир» командаси биринчи лига мусобақаларида якка пешқадам бўлиб турибди. Кейинги ўринларда ЦСКА ва «Динамо» (Ставрополь) коллективлари боришаяпти.

* * *

Тошкентда мастерлар командалари қошидаги футбол мактаби талабаларининг Бутуниттифоқ зонал мусобақаси бўлиб ўтди. Унда маҳаллий «Пахтакор» ва Куйбишевнинг «Крилья Советов» коллективларининг ёш футболчилари муваффақиятли қатнашдилар. Улар дастлабки икки ўринни эгалаб, Иваново-Франковскда бўладиган финал мусобақасига йўлланма олдилар.

ҚИЛИЧБОЗЛИК

Яқинда спортнинг бу тури бўйича СССР чемпионати ниҳоясига етди. Унда республикамиз вакиллари ҳам дуруст қатнашиб команда ҳисобида олтинчи ўринни эгаллашди.

Шамширчилар мусобақасида тошкентлик Захаревичнинг чиқишини мутахассислар кашфиёт деб баҳоладилар. У кучли қиличбозлар билан беллашувларда шошиб қолмади, яхши ўйин кўрсатиб, тўртинчи ўринни олди.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА

«Пахтакор» марказий стадионида енгил атлетика бўйича ўсмирларнинг иккинчи республика ўйинлари программаси асосида мусобақалар ўтказилди. «Спорт малика»синнинг барча турларида баҳслар қизиқарли ўтиши билан ишқибозлар эътиборинн тортди. Тошкентлик Александр Расказов ўн кураш бўйича энг «кекса» республика рекордини янгилаб, ўз мухлисларини хурсанд этди. У 7.119 очко тўплаб, рақибларидан анча ўзиб кетди.

Республика рекордчилари Давид Бучков, Александр Потоцкий, Вадим Чикаловлар ҳам муваффақиятли қатнашдилар. 200 метрлик масофага югуриш, узунликка сакраш ва найза улоқтиришда уларга тенг топилмади.

Яна икки натижа диққатга сазовор. СССР ўсмирлар терма командаси аъзоси Светлана Рижнева 800 метрлик масофада маррага биринчи бўлиб етиб келди. Тўсиқлар оша югуришда эса Оксана Лешко ғолиб бўлди.

ТЕЛЕВИЗОР ХИЗМАТДА

1 ИЮЛЬ ЖУМА

● МТ I

7.00 «120 минут».
9.05 Болалар учун фильм. «Салом, Зузанка, хайр Зузанка» (ЧССР).
9.55 «Болаларга ҳайвонлар ҳақида». Ленинграддан кўрсатилади.
10.25 А. Скрябин. Соната-фантазия. РСФСР халқ артисти В. Крайнев чалади.
10.35 Инсон институти. Биз танимайдиган инсон.

* * *

16.00 **КПСС Бутуниттифоқ XIX конференциясида.**
6.15 «Келажакдан келган меҳмон». Болалар учун беш серияли телевизион бадиий фильм. 5-серия.
17.20 «Агросаноат ишлари ва ташвишлари». «Фермер керак». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Киров шаҳри).
17.50 Совет қўшиқларидан концерт.
18.10 «Чашмага таъзим эт». Гжель санъати ҳақида телевизион ҳужжатли фильм.
19.00 **КПСС Бутуниттифоқ XIX конференциясида.**
19.15 А. Глазунов. Концерт-вальс.
19.25 «Новаторлар ва консерваторлар». СССРда биринчи «Визир» жорий этиш фирмасининг иши ҳақида (Молдавия).
20.10 «Бошқа ишга ўтиши муносабати билан». Телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия.
21.15 **КПСС Бутуниттифоқ XIX конференцияси кундалиги.**
22.00 «Бу ерга келганимда ёш бола эдим». Духовой оркестр чалади.
22.30 «Нигоҳ». Тунги информационн-музикали программа.
24.00 «Время».
01.00 «Тўқ сариқ ранг микрофон». Музикали программа.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.20 Тюмень филармонияснинг солистлари Ю. Клепалов (балалайка) ва В. Петухов (баян) концерти. Тюмендан кўрсатилади.
9.45 Илмий-оммабоп фильмлар. «Менга қадрдон қирғоқ», «Эрмитаж кўзгулари».
10.15 Инглиз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
10.45 «Шафқатли қалб». Ҳужжатли фильм премьераси.
10.55 Болалар учун фильм. «Ой алвастиси».
12.00 Инглиз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
12.30 СССР халқ артисти А. Дришев куйлайди.
12.55 «Дўстларимиз экрани». Социалистик мамлакатларнинг кинематографчилари билан танишув.
13.35 Мультфильмлар.
14.40 Янгиликлар.
14.50 «Спорт майдони». Ҳужжатли фильмлар премьераси: «Елкалардаги шамол» (Тбилиси), «Хайр, баланд тоғлар» («ЦСДФ»), «Чеккадаги мактаб» (Свердловск).

* * *

18.35 Янгиликлар.
18.45 «Хайвонот оламида».
19.45 Халқаро конкурс лауреати Ю. Корчинский чалади (скрипка).
20.00 «Ҳамма учун ва ҳар бир киши учун». «... Советларга реал ҳокимият ваколатлари қайтариб берилсин». 2-кўрсатув.
20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!
20.45 Уимблдон турнири. Англиядан кўрсатилади.
21.30 «Бир ўзим нима ҳам қила олардим?». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси.
22.30 «Пятницкая кўчасидаги қоровқона». Бадиий фильм («Мосфильм»).
24.00 «Время».

● УэТВ

15.00 Болалар учун фильм. «Ойни этак билан ёпиб бўлмас». 2-серия.
16.00 Москва. **КПСС Бутуниттифоқ XIX конференциясида.**
16.15 «Марина». Бадиий фильм (А. Довженко номли киностудия).
17.30 «Абитуриент-88». Биология.
18.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Студентлар саҳнаси». Тошкент шаҳар маданий-оқартув техникуми ёшларининг ижоди ҳақида.
19.00 Москва. **КПСС Бутуниттифоқ XIX конференциясида.**
19.15 ЎзССР Давлат телевидениеси ва радиоси дуторчи қизлар ансамблининг концерти.
20.00 «Ахборот» (рус.).
20.20 «Красавка». Телефильм.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Биз тинчликни истаймиз». Адабий-музикали композиция.
21.15 Москва. **КПСС Бутуниттифоқ XIX конференцияси кундалиги.**
22.00 «Санъат устахоналари» (рус.).
22.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
23.50 «Аёллар борки...». Ҳужжатли фильм.
24.00 Москва. «Время».

●

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.30 «Олий мақсад сари». Бадиий фильм. 2-серия.
20.35 «Рақс олами». Музикали программа.

ДУШАНБА КЎРСАТАДИ:

21.15 Москва. **КПСС Бутуниттифоқ XIX конференцияси кундалиги.**
22.00 «Карпат чашмалари». Фильм-концерт.
22.40 «Қайғусиз Отабоев». Телевизион бадиий фильм.

Жамият. Аҳлоқ. Қадрият

ОСМОН ОСТИДАГИ ОДАМЛАР

Донишманддан сўрабдилар:

— Айтинг-чи, эй ҳикматул замон, кишиликнинг энг беба ҳо хислати надурки, ҳеч бир қиймат бирла ўлчанмас?

У шундай жавоб қилибди:

— Номус, номус ва қайта номус!

Номусини сотганнинг жасадида ҳам номус бўлмагай. Чунки ул жасаднинг эгаси тириклигидаёқ ундай хислатни сотиб юборгандур.

КУНГИЛ ТАРОЗИСИ ХУСУСИДА

Бир журналист дўстим «Кейинги пайтларда жамиятимизда мавжуд нуқсонлар ҳақида очиқ, рўй-рост гапириш осон бўлиб қолди, шарта-шарта ёзавериш керак, қўрқмаслик керак» деганида унинг фикрига бир қадар қўшилган эдим шекилли, индамагандим. Мен сизга ҳикоя қилмоқчи бўлган кечмишлар хусусида ёзиш учун қўлимга қалам олар эканман, негадир яна ўша дўстимнинг гапи хусусида ўйлаб қолдим. Йўқ, очиқ, шарта-шарта ёзавериш эмас, чуқур мушоҳада асосида айтилган, қизиқувчан газетхонга ҳазм бўладиган, уни ўйлашга, фикрлашга мажбур, ҳа, мажбур этадиган қилиб ёзиш зарур. Токи ўша сатрлардан у нимадир топиб олсин, қандайдир қувонч уни шодлантирсин, қай бир алам унинг ҳам ғами бўлиб қолсин.

Ушбу ҳикояларни ёзишдан олдин жуда кўп йўл юрдим, кўпдан-кўп кишилар билан мулоқотда бўлдим. Токи бор ҳақиқатни тилга олмоқ лозим эди, фақат бор ҳақиқатни. Сафар чоғида адашган туйғулар интиқомини ҳам, ҳирс-у ҳавас қурбонларини ҳам, кўзлари жовдираб турган гўдакларни ҳам, эрдан чиқиб эрга тегаётганларни ҳам, хотин устига «ўйнаш» орттириб, тўқлиққа шўхлик қилаётган бойваччаларни ҳам кўрдим. Э, бу қиёфалар ҳозир ҳам кўз олдимдан ўтмоқдалар. Ҳар бирининг ўз маънавий дунёси, ўз ахлоқи бор. Ўша одамларнинг ҳар бири ўз номусини ўша маънавий дунёсига қараб тарозига солади.

Тўғри, одатда фаҳш хусусида очиқ, кўпчилик ўртасида сўз юритмоқ қандайдир ғайритабиий туюлади ва ножоиз саналади. Аммо қусурни яшириб, «биз яхши яшаяпмиз» дея ўз-ўзини алдамоқ пайти чиндан ҳам ўтди. Энди қорани қора, оқни оқ дейдиган давр. «Касалингни яширсанг, иситмаси ошкор қилур» деганларидек, ахлоқий бузуқлик, фахш, енгил-елпи ҳаёт қурбонлари, унинг маънавий асоратлари хусусида матбуотда ҳам, турли доирадаги йиғинларда ҳам очиқча гапирилмоқда.

Сир эмас СПИД номи билан аталган вабо дунёни ўз комига тортаётган, одамлар орасида шарпадек, аммо энг ёвуз азроилга айланаётганлиги учун ҳам бу хусусда баралла ва бор овоз билан гапирмоқ лозим бўлиб қолди.

Агар журналист дўстимнинг фикрига қўшилсам, мен ҳам фаҳш ишлари ушбу битикларда тилга олинажак кишиларнинг исмларини рўй-рост тилга олмоғим лозим эди. Афсуски, мақсадим бу эмас. Ахир мактублар ортида инсонлар бор. Уларнинг келажаги мени кўпроқ ташвишга солмоқда. Токи улар ўзларининг башараларини танисинлар (бунга шубҳам йўқ). Айтадилар-ку «гап эгасини топади» деб.

ХИЁНАТНИ БОШЛАГАН ҚИМ?

Бунга анча бўлди, энди Гулнигор ҳам ўша кунларни худди ширин туш кўраётгандек эслайди. Эслайди-ю негадир икки чеккасига тушаётган ажинлари кўпайиб, янаям қаримсиқ бўлиб қолаётгандек кўринади.

Маҳмуджон суқсурдек йигит эди. Ўшанда Гулнигордан бахтиёрроқ, ғўзалроқ қиз бормиди дунёда! Бир тўп дугоналари «ёр-ёр» айтиб кузатиб боришганди куёвнинг уйига...

Жуда ширин яшар эдилар. Афсуски, ўша суқсур йигит Маҳмуджони хиёнат қилди. Бир гал уч кун келмади. Гулнигор излаб чиқиб, қўққисдан уни бир жўрасининг уйида қандайдир аёл билан ушлаб олди-ю «туф» деди-да, чиқиб кетди. Анча вақт ўзини қўярга жой тополмай юрди. Ҳамма унга бармоғини бигиз қилиб, «ановини қаранглар, эрдан ажраб чиққан шу жувон-да» деяётгандек туюлаверарди. Бирқанча суюқоёқ йигитлар неча бор йўлидан кўндаланг чиқишди ҳам...

Тўйиб кетди, «бор-е» деди-да, чўлга, Жиззах даштига жўнади. Олис эл яхши-да, ён-верингдагилардан ҳеч ким сени танимайди. «Нима, уяти бормиди пул топишнинг» дея отарчиларга қўшилиб, тўйма-тўй юрди, рақса тушди...

Гулнигор ҳушқомат, қўйинг-чи офатижон эди.

Қайси бир қишлоқда, номини эслай олмайди, катта тўйга бордилар. Эндигина хуш овози билан элга танилиб келаётган Абдураҳмон исмли ашулачи йигит уни «Шу тўйда бир рақс қилиб беринг, улушингиз икки юздан кам бўлмайди» дея «Жигули»сида олиб борди. Тўй ҳақиқатан ҳам катта бўлди. «Қистир-қистир» авжига чиқди. Қайтаётиб Абдураҳмон икки юзнинг устига ўз улушидан яна юз қўшди-да, Гулнигорни бағрига тортди...

НОМУС ВА НАДОМАТ

Гулнигор ҳозир ҳам ўзини оқ деб ҳисоблайди. «Эр деганига қирғин келганми, нима бало, мени ҳеч ким хотин қилиб олгиси келмайди, «ўйнаш» дегани эса қиралиб ётибди. Бир куни қўшнимиз Маҳмуд ўн боланинг отаси бўлсаям ўғилчасидан менга рўмолчасини ювгани бериб юборибди. Ўша кир рўмолчага тугилган гапни мен тушунмайманми? Ун яшар ўғилчасида нима гуноҳ, ота-сини қарғаб-қарғаб юбордим. Соқолинг қора ерда ётгур. Тоғабек чол бўлса тунов куни уйининг олдидан ўтаётсам, тили «Оппоқ қизим, момиқ қизим» деб турибди-ю, кўзлари бирам ютоқиб тикилади-е, нақд ютиб юборса. Ёлғизлик эса қийнаб юборди.

Унинг назарида узлатдай ўтмишини ёритиб турган шуълалар отарчиларга қўшилиб, тўйга чиққан кунлари-ю кўнглига ёққан эркаклар билан ўтказган тунлари эди. Негадир Гулнигор ўзини оловга ураётган парвонаги эслатди менга.

Эркаклар эса унинг ҳаётида жуда кўп учради. Эҳ-ҳе, аллақачоноқ саноғидан ҳам адашиб кетган. Энди Гулнигорга ўша кунлар туштек туюлади. Энди унинг исми жисмига мос мас. Яноқлари ол эмас, сўлғин, қонсиз, ажинлар тўр солган чеҳраси заҳил, қарашлари афтода, бир замонлар ёқиб юборгудек тикилган кўзлари энди маъносиз термуларди.

— Ўтган умримга ачинаман, ҳар қанча уринмай энди тенгимни топишим маҳоллигига ишонч ҳосил қилдим. Менинг бу ҳолга тушишимга эрим Маҳмуд сабабчи бўлдимикин, балки у ҳам айбдор эмасдир!?

Суҳбатимиз охирлаётган эди. Аёл юзида дардидан бир қадар бўшаган вужудга чўкаётган сокинлик, хотиржамлик аломатларини уққандек бўламан.

— Ҳаммасига ўзим айбдорман, эримдан ажрагач кутиб ўтирсам бўларкан. Менинг эса ўша пайтда бунга сираям тоқатим йўқ эди...

— Энди-чи, энди нима бўлади?

— Нима бўларди, яшайвераман. Балки мениям излаб юрган мен каби одам бордир...

САЙЁРА НЕГА ХАЗОН БЎЛДИ?

Райондардан бирида ички ишлар бўлимига «суюқоёқ» аёллар хусусида бир гуруҳ гражданлардан шикоят тушди. Тергов жараёнида Л. исмли аёл қуйидагича кўргазма берди.

«Ёлғизман, мен ҳам яшашим керак, ахир одамман-ку! Б. нинг оиласи борлигини билсам-да, у билан яқин муносабатим бор... Ўзимни сираям сотмаганман, кўнглимга ёқди, у билан бўлдим, вассалом. Агар шу менинг айбим бўлса, жазолай қолинг...».

Нима дейсиз, уни қамаш ёки «бундай қилма» дейиш билан Л. ва Б. нинг «яқин муносабати» тўхтармиди? Л. ўзининг ҳатти-ҳаракатлари Жиноят кодекси моддалари билан шарҳланмаслигини ҳам жуда яхши билади. Ўша аёл ўзининг қилмишлари жамиятнинг ёзилмаган қонунлари билан, моддий эмас, маънавий тарози билан ўлчанишини ҳам, ўзининг одамлар ўртасида «шивир-шивир» бўлишини ҳам англайди. Хўш, нима қилиш керак? Аммо одамларнинг «деди-деди»си қонун моддалари дегани эмас-ку! Айнан ҳолда аёлнинг ҳатти-ҳаракатларини қонун билан оқлаб ҳам, қоралаб ҳам бўлмайди-да. Аммо одамлар-чи?

— Гапирса гапираверсин, гапирар экан деб шундай ўтаймн?

«Қишлоғимиздаги бир оиланинг кечмишлари мени ҳам ҳаяжонга, ҳам қўрқувга солади, деб ёзади Гулхан исмли қиз. Ғафур аканинг беш боласи, Одина исмли хотини бор эди. Яхшигина яшардилар. Кейин Ғафур ака тез-тез ичадиган, кўча-кўйда ётиб қоладиган одат чиқарди. Хотини Одина эса ўзини олибсотарликка ўрди. Охир-оқибат... қаергадир йўқолиб кетди, кейин эшитишимизча кимгадир иккинчи хотин бўлиб тегиб кетганмиш. Ғафур ака эса баттар ичадиган бўлиб қолди. Болалар ҳозир бувиси Норой момонинг қўлида. Момо беш гўдакни пенсия пули билан боқаётир...»

Эҳ, бувижон, бувижон! Бор яхши тилакларим ўша Норой момога! Шу норасидалар бахтига омон бўлинг! «Ёмон» фарзанд, «ёмон» келин, «ёмон» ота-оналарга, Ғафур ва Одинага ўша беш гўдакнинг тилагани нима бўлса ўша тилакни мен ҳам тилайман.

...Қўлимдаги навбатдаги мактубни ўқиш анча қийин. У Комила исмли аёл ва унинг фарзанди Сайёранинг тақдири ҳақида.

Комила эридан ажралгач, бошқа турмуш қурмади. Тараллабедод билан ўтаётган енгил ҳаёт унинг учун завқли кўринар, гўё бу ҳаётнинг чеки йўқдек эди. Шу орада бўйида бўлиб қолди. «Энди нима қилади, эл нима дейди? Ҳомилани йўқ қилиш эса... Йўқ-йўқ, буям бахт бўлса-чи!? Ўз қўли билан йўқ қиладими? Одамлар нима деса десин, туғади!». Хуллас, ой-куни етиб, қуёшли кунларнинг бирида Комиланинг кўзи ёрди. Қоши-кўзи попуддек гўдакни қўлига олганида олам яна гўзал кўриниб кетди. Туғруқхонанинг мўъжазгина деразасидан кўриниб турган мусаффо осмон, яшил барглар шундай фараҳбахш эдики, негадир шиқаста қалбининг кемтиклари тўлгандай шодумон бўлди. Бағрини тўлдирган оппоқ йўргак билан уйга қайтаётганида кўчадаги бор одамларнинг ҳар бирига «Менга ёмон қарама, мен ҳам она бўлдим. Ахир, аёл зоти фарзандли бўлиш учун бу дунёга келади-да», дегиси келарди.

Бир куни гўдагининг тагини алмаштираётиб унинг кўкрагида ва киндиги атрофида қизариб қолган кафтдек икки доғга кўзи тушди. «Уринтириб қўйганман» дея аввал эътибор бермади, орадан сал вақт ўтиб қараса, қизарган жойларнинг териси кўтарилиб, сувли пуфаклар пайдо бўлибди. Қўрқиб кетди. Болалар поликлиникасига, сўнгра юқумли касалликлар шифохонасига борди Сайёрасини кўтариб. У ердагилар ҳеч нарса дейишмай, тери-тан касалликлари шифохонасига йўллашди. Оёғи олти, қўли етти бўлиб, у ерга ҳам етиб борди. Кўп докторлар кўришди. Аввалига ҳеч нарса дейишмади, эртасига Комилани бир хонага чақиришди-да, «Вақт ўтибди, боланг-из жуда ёмон дардга чалинибди, бу дардни унга юқтирган... ўзингиз» дейишди. Аёлнинг юзида қон қолмади...

Сайёранинг ҳоли дақиқа сайин ёмонлашиб борарди. Мурғак вужудини кўринмас дард қабоҳатли чангаллари билан исканжага олар, тийрак кўзларида ҳаётга илтижо бор эди унинг. Кўзи очиқ кетди Сайёранинг, бор-йўғи 42 кун яшаган мурғаккина вужуднинг тимқора кўзлари талатўп дунёга ҳайрон кетди. Бир сайёрага айланиб келиб кетди бу дунёга у...

«ДОНИЁР, МЕН ДАДАНГМАН!»

...Дониёр йўқлаб келган кишига ажабланиш билан қараб турар, унинг чеҳрасидан на қувонч, на шодлик аломатларини туйиб бўларди. У болаларча ҳайрон тикиларди, холос.

Рустам қалтираб кетди. Юрагининг бир парчасидан яралган фарзандига қараб туриб, кўзларига ёш қалқди. Бағрига босиб, атиги «ўғлим, ўғилгинам», дея олди. Тўрт ёшли Дониёр эса қуралай кўзларини пирпиратганича ҳалиям ҳайрон эди.

— Дониёр, ўғлим! Мени таниясанми? — Рустам қўллари билан унинг икки юзидан ушлаб туриб сўради.

— Йўқ!... — зўрға жавоб қилди бола.

— Мен дадангман, ўғлим, дадажонингман, болаларини дарбадар қилиб қўйган тошбағир ота мен бўламан! — Рустам ўкириб юборди-да, ўғлини кўтариб, нарироқдаги мактабга, Дилфузанинг олдига йўл олди. Дилфуза шундай суюниб кетдики, «Дадажоним келди-ла-р» дея қичқирганча отасининг қучоғига отилди. Эй, дунёнинг ярим шодлиги, ҳам шодмонлиги! Дониёр бирдан таниб қолди дадажонини, дадов, дадажон, мен чизди лосаям соғиниб кетдим, дадов».

Дониёр энди эзилиб-эзилиб йиғлар, Рустамнинг бўйнидан маҳкам қучоқлаган қўйи ўзининг жимитдай вужудида тахланиб ётган армонларини аччиқ кўз ёши билан тўкиб соларди. Қорлари эрий бошлаган йўлакда туриб унсиз ўксиниб-ўксиниб йиғлаётган киши ва икки гўдакнинг ҳолатини ўтган-кетганлар ҳайрон кузатишарди. О, улар қаердан билишсин дунёда армон, ўкинч, айрилиқ аталган ситамлар борлигини! Балки адашдим: армонсиз, дардсиз одамнинг ўзи бўлмас? Биз ўз дардларимиз билан яшаётганлигимиз учун ҳам ўзгаларнинг ўкинчи бизни заррача ташвишга солмас балки?

Рустам олисда, Сурхондарёда яшайди. Болалари эса бу ерда. Уларнинг олдида Рустамнинг айби жуда катта. Болаларининг онаси Нодира билан яхшигина яшар эдилар. Нима бўлди-ю пастки қўчалик Ойхумор билан элакишиб қолди. Болаларидан, хотинидан кечди. Энди жабрини тортаяпти, юрсаям-турсаям кўз олдида фарзандлари. Виждони азобда. Нодира эса болаларини олиб Жиззахга кўчиб кетганди. Буни орадан уч йил ўтиб, Ойхумор энди яна бошқа бировнинг этагини тутиб кетгач билди. Излаб, сўраб, суриштириб, болаларнинг дарагини топди. Мана бугун уларнинг ёнига келди...

— Дадов, яна келасиз-а? — боғчанинг ёғоч панжараси олдида кўз ёшларини базўр тийиб, мўлтайибгина қолаётган Дониёр дадасидан сўради.

— Албатта, ўғлим! Албатта, келаман...

Эй, Рустам! Сенинг-ку ўйламай фаҳш ботқоғига босган қадамингдан тортаётган азобларинг ҳолва, лекин болаларингнинг армонлари-чи? Мурғак вужудларга сен юклаган аламлар энди улар билан бир умр бирга. Дунёнинг бир бурчи кемтик улар учун.

М... ВА БОШҚАЛАР

Область газетасида «Қиз боланинг армони» сарлавҳали мақолам босилгандан сўнг М. исмли қиздан хат олдим. Унда шундай дейилганди:

«Ёшим 33 да, бошқача айтганда қари қизман. Рости, чуқуроқ бўлганим учунми ҳеч ким мени севмадиям, совчи ҳам келмади. Шундай ўтаяпман. Яқинда кимдир мени «Бузуқи бўлгани учун шундай ўтаяпти» дебди. Аммо мен софлик, диёнат деган тушунчаларни муқаддас биламан. Шундай дейману, сизнинг ъҚари қизлар кўпайиб кетди» деган гапингизга тўла қўшиламан. Ҳақиқатан ҳам «уйда ўтириб қолган» қари қизлар ёки эрдан чиқиб, «бева» номини олган ёшгина жувонлар кўп. Мен ишлаётган корхонадаги аёлларнинг тенг ярми шундай хотин-қизлар.

Ҳозир 5—6 боласи бор, хотини ўлган ёки ёши олтмишни қоралаб қолган эркаклардан совчи келаётир. Энди айтинг-чи, тегайми? Афсуски, тегмоқчи эмасман. Кўнглимдаги бу эмас, маънавий тушунчамга тўғри келмайди.

Яна бир гап бўғзимни эзиб юборди. Мен нима учун дунёга келганман? Нима, ортиқча одамманми? Менинг жилла қурса табиат ато қилган бахтга — фарзандли бўлишга ҳаққим, ҳуқуқим йўқми?

Бир йигитни ғойибона севаман. У буни билмайди. Уни йўлдан урмоқчи, болаларини оёқ ости қилиб, хотинини қўйдирмоқчи эмасман. Аммо ўша йигит, фақат ўша йигитдан фарзанд кўришни истайман. Биттагина ўғлим бўлсайди... Менга бундан ортиқ бахтнинг сираям кераги йўқ.

Қишлоқда эса ҳалигиндай гап Айтинг, мен нима қилай!»

Тилим муз, нима дея олиш мумкин, ахир? Аввало М. ҳақ. Ҳақлиги шундаки, аёл инсоннят аталган буюк мавжудотнинг давомчилари —фарзандларни яратди. Нега энди аёлни шундай бахтдан айирмоқ лозим!?

Аммо кимдир жамият ахлоқ нормаларини писанд қилмаслик ҳам одобсизлик дейиши мумкин. «Қариқиз» эса шу пайт бундай дейди. «Айтинг-чи, бирон кишини севиш ҳам, ундан бола кўриш ҳам ахлоқсизликка кирадими?»

Яна тилингиз муз. Хуллас, М.нинг қишлоғидагилар уни «бузуқига» чиқаришди. Нарига қишлоқда Д. ни, ундан нарида катта шаҳарда Ш., К., О., Ф. ва ҳоказоларни...

ЭРНИ ЭР ҚИЛАДИГАН ҲАМ...

—Шу ҳам эрми, латтанинг ўзи, энамнинг бузоғига ўхшаб, меровлангани меровланган, — хонани атир-упа ҳидига тўлдирганча столнинг нариги ёғида ўтирган тракторчи йигитга қараб қўйиб гапирарди Жамила. — Ўлай агар, унга тегиб рўшнолик кўрган бўлсам, уззу кун трактора юриб, кечқурун қорамойга беланиб қайтади. Топари 90 сўм бўлса. Биронта янги кўйлак киймасам, нима қилай!? Ахир, мен ҳам одамман-ку, инсонларга ўхшаб кийингим келади. Ана, Собиринг хотини... Магазинда ишлайдиган танишим биттагина тилла балдоқ олиб берувди, кеча шуни манов эр аталмиш кимдандир эшитиб қолибди. «Нега олиб берадн?»— деб ғалва бошлади. Аввал ялаган бўлсам ҳам энди яшамайман. Пешонам қурсин...

Худди милтиқнинг ўқидек отилаётган сўзлар баданими жунжиктириб юборди. Мойдан йилтираб кетган пахталик кийиб олган тракторчи «эр» эса эскигина телпагини патила сочлари устидан янада бостириб қўйди. Негадир унга «Сенинг пешонанг қурсин» дегим келиб кетди.

«31 йил турмуш қуриб, эримга бир оғиз тик гапирмадим», дейди Санобар хола. Эр ўз номи билан эр-да. Эрталаб ишга жўнатаётганида кузатиб, яхши сўзлар билан узатиб қўяман. Келса уст-бошларини ечишга кўмаклашаман, оёқларига иссиқ сув қилиб бераман. Мен бу ишларни бажаришни ўзим учун бахт санайман, садоқат деб биламан. Эримга нисбатан меҳрибонлик, қоласа шунчаки аёллик вазифам, бурчим.

Балки эримни эр, ўзимни унинг аёли билганим учун ҳам турмушимиз яхшидир. Саккиз болам бор, ҳаммасининг бўйи етиб қолди...

ХОТИМА ЁКИ УМРНИНГ ДАВОМИ

Мана, кўнглим тарозисида тортилган узундан-узоқ ёзувларга нуқта қўйиш пайти келди. Тўғри, мен тилга олган воқеалар, мактублар, кечмишлар хусусида 'якуний «ақлли» сўз айтиш мушкул, бирон-бир маслаҳатомуз гап билан гўяндалик қилмоқчи ҳам эмасман. Аммо дилим қатидаги фикрларни баён қилмасдан ҳам кетолмасдим, токи зукко ўқувчи ўз маънавий тафаккурига, ўз ахлоқий дунёсига қараб мулоҳаза юритсин. Ҳаётий бу ҳикояларни қалб тарозисида тортиб, ўзича хулоса чиқарсин.

Бўлди, айтиб бўлдим! Ҳозир нуқта қўяману ташқарига чиқаман. Бугун осмон зангори, жудаям мусаффо, тиниқ. Одамлар елкасида турган мовий кўк гўё буюкликка, тирикликка тимсол. Негадир инсонлар орасида, шу осмон остида яшайвергинг, яшайвергинг келаверади.

Оға БУРГУТЛИ—
Саттор ҚОРАБОЕВ,
журналист.

Редактор
А. Ғ. МУХТОРОВ.

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»— «СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»

Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана
Выходит на узбекском и русском языках.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари —33-44-43, 32-56-21, 33-16-27, 32-54-41, Масъул секретарь — 33-09-93, 32-56-26. Секретариат — 32-56-25, 32-54-48, 32-54-47. Партия турмуши бўлими —33-54-33, 32-56-22. Совет қурилиши бўлими —32-56-34. Деҳқончилик бўлими —33-54-33. 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими —32-56-33. Қишлоқ қурил